Гос. книжн. ОПИСАНО

ЎЗБЕКИСТОН ДИЁРИДА ХУШ КЎРДИК

ҚАРДОШ ОЗАРБАЙЖОН, ТОЖИКИСТОН, ТУРКМАНИСТОН ССР ЎЗАРО ТЕКШИРИШ БРИГАДАЛАРИ ИШЛАРИМИЗ БИЛАН ТАНИШМОҚ УЧУН БУГУН РЕСПУБЛИКАМИЗГА КЕЛАДИЛАР.

ПАХТАКОР РЕСПУБЛИКАЛАР ЎРТАСИДАГИ АНЪАНАВИЙ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЯВЕРСИН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

24 ИЮЛЬ, 1982 ЙИЛ, ШАНБА № 169 (2.575). Баҳоси 3 тийин.

Республикамиз пахта далаларида юбилей йили мўл ҳосили учун қизғин кураш боряпти. Пешқадам хўжаликлар ҳар бир фурсатдан оқилона фойдаланиб, ғўзаларни кунда бир яшнатишга эришиб, кўсакка-кўсак қўшишмоқда.

Суратларда: 1. Нишон районидаги Карл Маркс номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳкамой Ҳазратқулова бошлиқ бригадаси далаларида ғўзаларга ишлов берилаётган пайт. 2. Шу бригаданинг пешқадам механизатори Норбой Бердиқулов. 3. Бекобод районидаги Ленин номли колхозда ғўзалар культивация қилняпти.

Ш. Султонов ва М. Қорабеков фотолари.

МАЖБУРИЯТЛАРНИ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРИШ — МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

Республикамиз қишлоқ меҳнат аҳли барча совет кишилари қатори зўр кўтаринки руҳ, катта илҳом билан, завқ-шавққа тўлган ҳолда эзгу мақсад йўлида ҳормай-толмай тер тўкмоқда. Мамлакат қишлоқ хўжалигининг ёрқин истиқболларини белгилаб берган, хўжаликларни, қишлоқларни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг кенг ва тўғри йўлини кўрсатиб берган КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари кишиларимизга битмас-туганмас куч-ғайрат бахш этмоқда, уларни экономиканинг ана шу соҳасини ривожлантириш суръатларини оширишга, самарадорлик ва иш сифатини яхшилашга руҳлантирмоқда.

Мамлакат Озиқ-овқат программасида халқимиз манфаатлари йўлида белгиланган эзгу режалар шу йилнинг ўзидаёқ дастлабки натижаларни, самараларни бериши лозим. Маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, колхозчилар ва совхоз ишчиларнинг бутун диққат-эътибори ана шунга қаратилган. Хўжаликларда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга имкон берувчи янги-янги резервлар ишга солинмоқда, экинлар ҳосилдорлиги, чорва моллар маҳсулдорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш такомиллаштирилмоқда, фан ютуқлари, илғорлар тажрибаси қатъият билан жорий этилмоқда. Маҳсулот сифатини яхшилаш ва айни пайтда унинг таннархини камайтириш, шу йўл билан пировард натижаларни яхшилаш борасида кўп иш қилинмоқда.

Қониқиш билан шуни таъкидлаш керакки, қишлоқ меҳнат аҳлининг мамлакатимизда мўл-кўлчиликни бунёд этиш йўлида олиб бораётган кураши ҳозирнинг ўзидаёқ яхши натижаларни бермоқда. Республиканинг областлари ва районларидан кун сайин ғалаба рапортлари келиб турибди. Ғаллакорлар, сабзавоткор ва боғбонлар, чорвадорлар партия режаларини амалга ошириш борасида қўлга киритаётган дастлабки ютуқлари тўғрисида ҳисоб бермоқдалар. Масалан, Тошкент райони қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари эл дастурхонига 4510 тонна мева, 15710 тонна картошка етказиб бериб, бу соҳадаги халқ хўжалик йиллик планларини муддатидан илгари бажардилар. Улар мавжуд имкониятлар ва резервларни сарҳисоб қилиб, давлатга йиллик пландан ташқари яна 7300 тонна картошка топширишга, икки йиллик план ҳажмида, яъни 9 минг тонна мева етказиб беришга аҳд қилдилар.

Аҳолини гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини тобора тўлароқ қондириш чорвадорларимизнинг шон-шараф ишидир. Буни яхши тушунган фермалар, комплекслар ва фабрикалар коллективлари СССР Озиқ-овқат программасининг бажарилишига қўшиладиган улушларини кўпайтириш йўлида яхши меҳнат қилмоқдалар. Натижада республикамизда чорва маҳсулотлари етиштириш суръатлари сезиларли даражада ошмоқда. Қашқадарё, Хоразм, Андижон ва Жиззах областлари, Калинин, Ғиждувон, Беруний, Навоий, Ургут ва Бағдод районларнинг чорвадорлари социалистик мусобақада энг юксак натижаларни қўлга киритдилар. Улар шу йилнинг биринчи ярмидаги якунларга биноан мусобақа ғолиблари деб топилдилар ва республика кўчма Қизил байроқларини қўлга киритдилар.

Пахта етиштириши йил сайин кўпайтириш ва бу қимматли хом ашё сифатини тинмай яхшилай бориш бундан кейин ҳам Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашларининг бош вазифаси бўлиб қолаверади. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган шонли юбилей йилида олтин қўлли «оқ олтин» ижодкорлари камида 6 миллион тонналик хирмон яратишга азму қарор қилганлар. Шу эзгу ният, шу олижаноб мақсад йўлида олиб борилаётган бу йилги кураш ўнғай бўлмаяпти. Пахтакорларимиз Ватан меҳрини дилга жо қилиб, юксак хирмон учун кураш йўлидаги барча қийинчиликларни, тўсиқларни мардонавор енгиб ўтмоқдалар. Тошкент технологияси асосида ҳосилни сифатли қилиб эрта стилтириш — мутахассисларнинг, колхозчилар ва совхоз ишчиларнинг бутун фикри-зикри ана шу долзарб масалага қаратилган, ҳозир. Ҳосилнинг салмоғи ҳам, сифати ҳам агротехник тадбирлар қай йўсинда амалга оширилаётганлигига бевосита боғлиқдир. Шу нарса ҳисобга олиниб, қатор областларда сифат комиссиялари тузилган. Улар районларда, колхоз ва совхозларда бўлиб, дала ишлари қандай ташкил этилганлиги, зиммага олинган мажбуриятларни бажариш учун меҳнат коллективлари қай даражада сафарбар этилганлиги билан яқиндан танишмоқдалар, тажрибалар умумлаштирилмоқда, аниқланган камчиликлар танқид қилинмоқда ва уларни тугатиш йўллари белгилаб олинмоқда. Чунончи, яқинда Жиззах область сифат комиссияси Мирзачўл районида бўлганида амалга оширилган ишларни таъкидлаш билан бирга қатор жиддий камчиликларни очиб ташлади. Район бўйича қариб 12 минг гектар ердаги ғўза яхши парваришқилинмаганлиги сабабли ривожланишда ўтган йилги даражадан орқада қолмоқда. Баъзи хўжаликларда қатор ораларига ишлов беришда агротехник талаблар бузилмоқда, иш сифати паст бўлмоқда. «Советская Россия» ва Абай номли совхозларнинг ҳар бирида 300 гектардан, Сегизбоев номли совхозда эса 400 гектар майдондаги ғўза бегона ўтлар исканжасида эканлиги аниқланди. Июль ойи ўтиб бораётганлигига қарамай, баъзи хўжаликларда ҳали иккинчи суғориш инҳоясига етказилмаган. Комиссия аъзолари мавжуд камчиликларни тугатишга қаратилган тадбирларнинг бутун бир комплексини таклиф этди.

Юбилей йилининг иккинчи ярми бошланди. Ўтган олти ойлик якунлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳамма ерда ҳам зиммадаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда иш тутилянти, деб бўлмайди. Баъзи район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари қоғозбозликка, расмиятчиликка берилиб кетиб, кўп вақтларини турли тадбирлар белгилаш, кетмакет кенгаш ва йиғилишлар ўтказиш, кўпдан-кўп қарорлар қабул қилишга сарфламоқдалар, лекин энг муҳими — омма ўртасида жонли ташкилотчилик иши олиб бориш, белгиланган режалар, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш эътибордан четда қолмоқда. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида шу йилнинг биринчи ярми якунларига кўра гўшт, сут, тухум етиштириш ва тайёрлашни, чорва ва паррандаларни кўпайтиришда қолоқликка йўл қўйган колхоз ҳамда совхозлар раҳбарларининг, шунингдек район партия комитетлари биринчи секретарларининг ҳисоботлари тинглади ва муҳокама қилинди. Нукус, Избоскан, Когон, Ғаллаорол, Усмон Юсупов, Учқўрғон, Жомбой, Сариосиё, Шўрчи, Боёвут, Ховос, Риштон, Фарғона ва Навбаҳор районларида чорвачиликни ривожлантириш даражаси мутлақо қониқарсиз деб ҳисобланди. Область ва район партия комитетлари қолоқликни тугатиш ҳамда КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг қарорлари асосида чорвачиликни ривожлантириш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш соҳасида зарур чораларни кўришлари лозим.

Республика қишлоқ меҳнаткашларининг юбилей йилида зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганликларини текшириш мақсадида таркиб топган эзгу ақъанага муваффиқ қардош республикалар — Озарбайжон, Тожикистон ва Туркманистон республикаларининг делегациялари бугун Ўзбекистонга келди. Мусобақадошларимиз маслаҳатларига амал қилиб, ҳамма ерда иш суръати ва сифатини ошириш энг муҳим вазифадир.

Эл-юрт олдида берилган сўз ҳар бир киши учун, ҳар бир коллектив учун мўътабар ва муқаддасдир. Яхши ният билан бу йил учун тузган режаларимиз эса ниҳоятда улкан. Шундай экан, дала ва фермалардаги ишлар зиммамиздаги мажбуриятга яраша бўлмоғи керак. Юбилей шарафига ўтказилаётган зарбдор ҳафталикларда актив қатнашиб, зарбдорчасига меҳнат қилиш ва шу йўл билан олинган мажбуриятларнинг барча кўрсаткичлар бўйича шараф билан бажарилишини таъминлаш — партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир меҳнат аҳлининг буюк халқимиз олдидаги, жонажон партиямиз олдидаги, севикли Ватанимиз олдидаги муқаддас бурчи, шон-шараф ишидир.

ДОН — ВАТАННИНГ АСОСИЙ БОЙЛИГИ

◎ РЕСПУБЛИКАДА БОШОҚЛИ ЭКИНЛАР ЎРИМ-ЙИҒИМИ ТУГАЛЛАНДИ.

◎ ДОН ЕТИШТИРИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАНГАН ПЛАН ВА МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ УЧУН КУРАШ СУРЪАТИНИ БУШАШТИРМАЙЛИК.

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети май Пленуми илгари сурган вазифалар ҳамда Озиқ-овқат программасини ўз жонажон ишлари деб билмоқдалар, уни бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфламоқдалар. Республикада бошоқли экинлар ўрим-йиғими тугалланганлиги бунинг янги ифодасидир.

Дон етиштиришни ҳар томонлама кўпайтириш Озиқ-овқат программасини ҳал этишда бош вазифа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қувонч билан таъкидлаш керакки, бугунги кунда республиканинг кўпчилик область лари бошоқли дон экинлари етиштириш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажардилар. Андижон, Бухоро, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона областларининг ғаллакорлари бу соҳада намуна бўлдилар. Жумладан, бошоқли дон етиштириш планини андижонликлар 118, сурхондарёликлар 124 процент ado этдилар.

Бир қатор районларнинг ғаллакорлари катта муваффақиятларга эришдилар. Задарё, Ильич, Оққўрғон, Охунбобоев, Олот районларининг деҳқонлари тоғ ширқин шараф билан удалашди. Андижон, Қумқўрғон ва Ленин районларида икки йиллик пландан зиёдроқ, Гагарин ва Жарқўрғон районларида эса уч-тўрт йиллик план миқдорида бошоқли дон йиғиштириб олинди.

Ғаллачиликда, айниқса, баҳорикор ерларда об-ҳаво шароитлари оғир келди. Шунинг учун ҳам дон етиштириш план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун ҳали кўп иш қилиниши зарур.

Ҳозир дон учун маккажўхорини йиғиштириб олишга киришилди. Бухоро ва Сурхондарё области қишлоқ меҳнатчилари бу ишни биринчи бўлиб бошлаб юборидилар. Вазифа дон учун маккажўхорини 7—10 иш кунида ўриб-янчиб олишдан иборат. Ҳадемай шоли ўрими ҳам бошланиб кетади. Бу экин республика дон хирмонини тўлдиришда муҳим резервдир. Шундай экан, «қирмизи дон» ҳосилини кўпайтириш учун ҳозирдан барча кучни сафарбар этиш зарур.

Республика дон хирмонининг салмоғи бугунги кунда маккажўхори ва шоличиликда банд бўлган ҳар бир киншига боғлиқ. Давлатга дон топшириш планлари ва мажбуриятларини бажариш учун кураш суръатига суръат қўшиш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

МЕҲНАТ РАПОРТИ

Сурхондарё области қишлоқ хўжалик меҳнатчилари КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми тарихий қарорларига амал қилиб, резавор ва хўл мева тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари, 21 июльда ado этдилар. 13 минг тонна хўл мева ва резаворлар — ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,4 минг тонна кўп маҳсулот тайёрлов пунктларига етказиб берилди. Сабзавот ва картошка тайёрлаш плани ҳам ортиғи билан ado этилди. Гагарин, Шеробод, Олтинсой, Ленин йўли районларининг меҳнатчилари бу муваффақиятларга катта ҳисса қўшдилар.

Давлатга маҳсулот сотиш давом этмоқда.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Матбуотда кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ферганская правда» область газетасининг бўлим мудири ўртоқ Борис Владимирович Вильчекни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

«ЭЛЕКТРО—82» ВИСТАВКАСИНИ БОРИБ КЎРДИЛАР

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари В. И. Долгих 22 июль куни электротехника ускуналари ва электр линиялари халқаро виставкаси —«Электро—82»ни бориб кўрдилар.

СССРдаги ва бир қанча чет мамлакатлардаги корхоналар, ташкилот ва фирмалар электротехника буюмлари ва уларни ишлаб чиқариш учун керакли замонавий технология ускуналари, комплексларининг, электр энергиясини ҳосил қилиш ва ўзгартириш ҳамда бу энергияни узатиш усуллари соҳасида эришилган кейинги ютуқларнинг энг янги намуналарини кўйишган.

Совет Иттифоқининг «Электротехника —инсонга» деган шиор остида жойлаштирилган экспозицияси батафсил кўриб чиқилди. Экспозициянинг электротехника саноати СССР Озиқ-овқат программасини амалга оширишга, махсус технология ускуналарини вужудга келтириш ва аҳоли учун мол ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссани акс эттирувчи бўлимлари катта қизиқиш туғдирди.

Совет бўлимига мамлакатнинг ёқилғи —энергетика потенциалини ривожлантириш учун, кўмир, нефть, газ қазиб чиқариш ва ташиш учун, атом энергетикаси ва ўта олис электр линиялари учун энг янги электр ускуналар комплекслари қўйилган.

Виставкадаги бир қанча павильонларни кўздан кечириш вақтида ўтказилган суҳбатда Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ва Югославия Социалистик Федератив Республикаси электртехникаларининг «Интерэлектро» халқаро ташкилоти доирасидаги ҳамкорлиги масалаларига катта эътибор берилди.

Н. А. Тихонов билан В. И. Долгих ўртоқлар СССР электротехника саноатининг ютуқларига юксак баҳо бердилар ва «Электро —82» виставкасининг уюштирилиши халқаро майдонда иқтисодий ва илмий-техника алоқаларни кенгайтиришга ёрдам беради, деб ишонч билдирдилар.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари В. Э. Димшиц, В. Н. Макеев, Н. В. Мартинов, И. Т. Новиков, З. Н. Нуриев, Л. В. Смирнов, Н. В. Тализин ва ташқи савдо министрининг биринчи ўринбосари Н. Д. Комаров ҳам виставкани бориб кўришди.

Электротехника саноати министри А. И. Майорец изоҳ бериб турди. (ТАСС).

ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ

ФАРҒОНА, 23 июль. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда область партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари, саноат, транспорт ва алоқа корхоналарининг 1982 йил биринчи ярмидаги иш якунларини ҳамда ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкент шаҳридаги тантаналарда берган кўрсатмалар асосида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш юзасидан шу йилги давлат планлари, социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш соҳасидаги вазифаларни муҳокама қилдилар.

Йиғилишда областдаги қунар-техника таълимини янада такомиллаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

ЯҚИН ШАРҚДА ТИНЧЛИК БЎЛСИН!

ЎЗБЕКИСТОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ «ПРАВДА» ГАЗЕТАСИНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИНИ АСТОЙДИЛ МАЪҚУЛЛАМОҚДА

Ўзбекистонда ўтказилаётган митингларнинг қатнашчилари Исроилнинг Ливанга қарши ваҳшиёна агрессияси дарҳол тўхтатилишини талаб қилмоқдалар, ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Правда» газетаси саволларига жавобларида баён этилган ҳамда Яқин Шарқ проблемасини адолатли равишда ва ҳар жиҳатдан бартараф этишга қаратилган таклифларини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар.

— Исроил босқинчилари дарҳол Ливандан чиқиб кетишлари ва Фаластин халқининг қонуний ҳуқуқларига тажовузларни тўхтатишлари керак, —деди инженер М. Содиқова 22 июль куни «Средазгипроцелинстрой» лойиҳа институтида бўлиб ўтган кўп кишилик митингда. —Сионистлар босиб олинган ерларда одамларни қириндан иборат ваҳшиёна методларни Гитлердан ўрганишган. Улар ўзларининг Ливандаги қароқчилигини сурбетлик билан «Фаластин масаласининг узил кесил ҳал этилиши» деб атамоқдалар. Бугунги кунда ҳар бир софдил киши агрессор ва унинг хомийларини инсон зотига душман бўлган режаларини барбод этмоқ учун ҳамма ишни қилиши керак!

Митингда сўзга чиққан бўлим бошлиғининг ўринбосари А. Грахольский, бош инженер С. Носов, лойиҳа раҳбари В. Ванжелов ва бошқалар Исроилнинг Ливандаги агрессияси пайини дарҳол қирқиш ҳамда халқаро конференцияда мустақил Фаластин давлатини ташкил этиш тўғрисидаги масалани адолатли ҳал этиш тўғрисида Л. И. Брежневнинг таклифларини тўла-тўкис ва батамом маъқуллладилар.

* * *

— Исроилнинг Ливандаги агрессияси муносабати билан «Правда» газетасининг саволларига ўртоқ Л. И. Брежневнинг жавобларини бизнинг коллективимиз маъқуллаб кутиб олди,—деди пресловчи М. Идрисова Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўта чидамли металлар комбинатида бўлиб ўтган митингда. —Исроил босқинчиларининг қароқчилик ҳаракатлари қатъиян қораланаётганлигига биз ўз овозимиз билан қўшиламиз. Исроилнинг агрессив йўлини Вашингтондагилар ошкора рағбатлантирмоқда. Бизнинг мамлакатимиз Яқин Шарқда адолатли тинчликни тиклаш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилаётганлиги билан фахрланамиз.

Фрезерчи А. Шиварев, электрик А. Чичаев ва митингда сўзга чиққан корхонанинг бошқа меҳнаткашлари агрессорларни ғазаб билан қораладилар.

* * *

Наманган шойи газламалар комбинатида ўтказилган кўп минг кишилик митингда яқдиллик билан қабул қилинган резолюцияга Ливандаги қирғинлик тўхтатилсин, агрессорнинг қўшинлари босиб олинган ерлардан олиб чиқиб кетилсин! —деган талаб ёзилган.

Жафокаш Ливан тупроғида ҳар куни Исроил жаллодларининг қўлидан болалар, хотин-қизлар, қариялар ҳалок бўлаётганлигига беғарво қараб туриб бўлмайди,—деди йиғирувчи М. Акбарова. —Ўртоқ Л. И. Брежнев «Правда» газетасининг саволларига жавоб қайтара туриб айтганидек, бу уруш олови ўчирилиши керак. Биз Ливан ва Фаластин ватанпарварларидан ўч олишни дарҳол тўхтатилишини Тель-Авивдан талаб қиламиз!

Митингда сўзга чиққан инженер Я. Тазмирзаев, ишчи С. Каримова бошқалар ўртоқ Л. И. Брежневнинг мустақил Фаластин давлатини вужудга келтириш тўғрисидаги таклифини астойдил қўллаб-қувватладилар.

* * *

Исроилнинг ваҳшиёна агрессиясига қарши Ливан ва Фаластин халқлари олиб бораётган кураш билан бирдамлик митинглари давлат иттифоқ 2-лойиҳа институтида, республиканинг бошқа корхоналари ҳамда муассасаларида ҳам бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).

ОЧИЛАЁТГАН ЯНГИ ҚЎРИҚ

ШИЙПОН ҚОШИДАГИ ХЎЖАЛИК ◎ МУСОБАҚА ШАРТЛАРИГА ЯНГИ ПУНКТ ◎ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ ҲАРАКАТДА ◎ ОРАЛИҚ ЭКИНЛАР САМАРАСИ ◎МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК ОШМОҚДА

Оқдарё районидаги «Янгиобод» колхозининг 9 та пахтачилик бригадасида ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. Уларнинг ҳар бирида 5—6 тадан, айримларида эса 7—8 тадан қорамол боқиб семиртириляпти. 10 мингдан ортиқ жўжа боқиляпти. Бу йил ҳар бир бригада ёрдамчи хўжаликларда 3—5 тоннадан гўшт етиштиришга қарор қилган.

—Ёрдамчи хўжалик фаолиятини бригадаларда социалистик мусобақага муҳим шартлардан бири сифатида киритдик, —дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Ўроқбой Абдувалиев.— Бундан буён голибни аниқлаганда ёрдамчи хўжаликда эришилган натижалар қатъий ҳисобга олинади. Бу эса ёрдамчи хўжаликлардаги ишларнинг намунали йўлга қўйилишига туртки бўлаётир.

Тўғри, бу ҳозиргача бир тажриба. Янгиободликлар бу тажриба яхши натижа беришига комил ишонч билан қарамоқдалар.

Шуни айтиш керакки, учтўрт йил муқаддам хўжаликда бу соҳадаги аҳвол унча яхши эмас эди. Кўпгина хонадонларда сигир, қўй-эчки, парранда йўқ эди. Одамларнинг шахсий хўжалик юритишдан кўнгли совуганди. Колхоз правлениеси ҳамда партия ташкилоти одамлардаги бу кайфиятга барҳам бериш, шахсий секторни ривожлантиришга иштиёқ уйғотиш йўлида катта иш қилди. Правление қошида мазкур масала билан шуғулланувчи оқсоқоллар кенгаши ташкил этилиб, унга меҳнат ва уруш ветеранлари бўлган ҳурматли отахонлар, хўжалик раҳбарлари ва мутахассислар киритилди. Бу масала колхозчиларнинг умумий йиғилишида муҳокама этилиб, конкрет тадбирлар белгиланди. Хўжаликдаги чорва моллари ва паррандаларга эга бўлмаган хонадонлар аниқлаб чиқилди. Нисбатан иқтисодий қамқувват хонадонларга чорва моллари сотиб олиш учун узоқ муддатли қарз берилди. Шахсий чорвани озуқа билан таъминлаш йўллари қидириб топилди.

Олиб борилган амалий ишлар бекор кетмади, хонадонларга қут-барака келтирди. Бугунги кунда колхознинг барча онлалари ўз чорвасига эга, товуқ, курка ва қуён кўпайди. Қишлоқларда тез-тез бўрдоқи қорамол ва қўй суйиладиган, колхозчилар гўшт учун кўпда бозорга югурмайдиган бўлишди.

Характерли томони шундаки, колхоз аҳолиси гўшт, сут ва тухумга бўлган эҳтиёжини ўз ёрдамчи хўжаликлари ҳисобига тўла қондирляпти. Айни пайтда хонадонларда етиштирилган, эҳтиёждан ортиқча маҳсулот шаҳар аҳолиси дастурхонига ҳам етиб бораяпти. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида шахсий сектордан 30 тонна гўшт топширилди. Ҳар қуни хонадонлардан 400—500 килограммдан сут қабул қилинмоқда.

Булар эл дастурхонини тўкин-сочин қилиш йўлидаги изланишлар. Бироқ, бевосита колхознинг чорвачилик ва паррандачилик тармоқларини ривожлантиришга Озиқ-овқат программасини амалга оширишнинг асосий омили сифатида қаралмоқда. Гўшт, сут ва тухум етиштириш сўнгги икки йил мобайнида айниқса ортди.

Илғор сут соғувчи Зебо Мардонова қарамоғидаги 20 бош сигирни меҳр билан парвариш қилиб, кунига 205—210 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олаётир. Ўтган йили ҳар бош сигирдан ўртача 2500 килограммдан сут соғқан моҳир чорвадор бу йил зиммасига 2600 килограммдан мажбурият қабул қилди. З. Мардоновага ҳамқишлоқлари юксак ишонч билдиришди —уни Самарқанд область Совети депутатлигига сайлашди. Шунингдек, Карима Сафарова, Ҳалима Иброҳимова, Фароғат Пирмаматовалар ҳам сут соғувчилар мусобақасининг олдинги сафларида бормоқдалар.

Чорвачликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилаётир.

—Сўнгги пайтларда бу масалани ҳал этдик,—дейди О. Мардонқулов. —Икки йиллдирки, жамғарган озуқамиз эҳтиёждан ортиб қолаётир.

Хўжалик унчалик йирик эмас, 1363 гектар суғориладиган майдонга эга. Унинг асосий қисми пахтага ажратилган. Алмашлаб экишга тушган 300 гектардан знёдроқ ерда озуқа экинлари эки на ўрнига 187,5 тонна сут етказиб берилди. Бу гўшт бўйича саккиз ойлик, сутчиликда эса ярим йиллик план ошириб бажарилди, деган сўз. 82 минг дона тухум топширилиб, шу даврнинг ўзидаёқ йиллик план ошириб адо этилди. Ҳар бир она товуқдан ўртача 100 дона тухум олинди. Яна 55 донадан тухум олишга эришиш мўлжалланаётир. Шу йилнинг ўзида ҳар бош сигирдан ўртача 875 килограммдан сут соғилди. Бу ўтган йилнинг шу даврида ҳар бир сигирдан соғилган сутдан 146 килограмм кўп демакдир. Бундай нисбат гўшт, тухум етиштиришда ҳам яққол кўзга ташланади.

Фермада чорва моллари ва паррандаларнинг сони йил сайин кўпаймоқда. Ўтган уч йил мобайнида хўжаликда қорамоллар 534 тадан 656 бошга ўсди. Подада соғин сигирлар салмоғи ошиб бораётир. Товуқлар ўтган бир йилда 2300 дан 4800 тага етгани хўжаликда паррандачиликка ҳам жиддий эътибор берилаётганлигини кўрсатмоқда.

Колхоз ва совхозларнинг фермаси ҳам, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжалиги ҳам умумхалқ, бойлиги. СССР Озиқ-овқат программаси уларга баббаравар ғамхўрлик қилиб, масалага комплекс ёндашишни тақозо этмоқда. Янгиободликлар мазкур талаблар асосида иш тутмоқдалар. Дала шийпонлари қошида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиб, ҳар бир фойдали ташаббусга қанот бағишламоқдалар.

Чорвачликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилаётир.

—Сўнгги пайтларда бу масалани ҳал этдик,—дейди О. Мардонқулов. —Икки йиллдирки, жамғарган озуқамиз эҳтиёждан ортиб қолаётир.

Хўжалик унчалик йирик эмас, 1363 гектар суғориладиган майдонга эга. Унинг асосий қисми пахтага ажратилган. Алмашлаб экишга тушган 300 гектардан знёдроқ ерда озуқа экинлари эки пилла қуртига ўриб берадиган хили. Очиғи, аввалларишу ердан яхшироқ фойдаланишга эътибор бермас эканмиз. Кейинчалик бошқача йўл тутдик. Ана шу тутзорларни расамади билан колхозчиларга бўлиб бердик. Улар каллакланиб, пилла мавсуми тугагач, қатор оралари колхоз ҳисобидан яхшилаб ҳайдалади. Кейин одамлар у ерга чорва учун маккажўхори экишади. Фойда икки томонлама: ҳам одамлар манфаатдор бўлади, ҳам тут яхши ривожланади. Шийпон қошидаги ёрдамчи хўжалик ҳам ундан баҳраманд бўлиши аниқ.

Барг мўллиги туфайли колхоз бу йил пилла етиштириш план ва мажбуриятларини район хўжаликлари орасида биринчилар қатори ошириб бажарган экан, мазкур фактнинг ўзиёқ тутилган йўлнинг тўғрилигини исботлаб турибди. Иккинчи томондан эса хонадонлардаги чорва моллари ҳам маълум миқдорда озуқага эга бўлаётир.

Маккажўхорикорлар пахтачиликда кенг қўлланилаётган капсулали уруғ экиш усулини тажрибада синаб туриб, қувончли натижага эришмоқдалар. Бинобарин, бу озуқа экинлари ҳосилдорлигини оширишда фан-техника ютуқларидан фойдаланишнинг аҳамиятини кўрсатувчи ёрқин далил ҳамдир. Жумладан, ўтган йили маккажўхори майдонларининг бир қисмига полимер қобиқли уруғ қадалганди. Ҳосилдорлик юқори бўлди, гектаридан 120 центнердан «қаҳрабо дон», 500 центнердан кўкпоя олинди. Бу йил эса мавжуд барча маккажўхори майдонларида ана шу фойдали усул қўлланилди.

Деҳқонлар «тўн» кийган уруғнинг афзалликларига таж рибада тўла иқрор бўлдилар. Улар нафақат пахтачилик ва маккажўхоричиликда, балки бодринг, қовун-тарвуз, ошқовоқ етиштиришда ҳам полимер қобиқли уруғликлардан фойдаланиб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси резервлар, ишга туширилаётган имкониятлар. Эҳтимол, шулар туфайли ҳам коллектив сўнгги йилларда эл дастурхонини обод қиладиган туганмас хазинага мос калитни топиб олгандир. Бинобарин, колхознинг маъмурчилик соҳасидаги фаолиятини партбюро кўриб чиқиб, маъқуллади ва кенг қўллаш учун тавсия этди, бу аҳил коллектив меҳнатига берилган муносиб баҳодир.

М. ЭРАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг мухбири.

БЕШ ЙИЛЛИК—ИККИ ЙИЛДА

...Ўшанда гидромеханизаторлар Сирдарё ёйилиб оқиб, кейинчалик қуриб қолган ўзанларда шоликорлик учун янги ерлар ўзлаштиришаётган эди. «Газик» машинаси очиқ далада турган ғилдираклик кўчма ётоқхона қаршисига келиб тўхтади. Ундан «Сирдарьяриострой» тресті касаба союз комитетининг раиси Қ. Сатторов билан Бахт механизациялашган кўчма колоннасининг участка бошлиғи В. Бичков ўртоқлар тушишди. Кўп ўтмай улар гидромеханизаторлар тушлик қилаётган вагон-ошхонага кириб келишди.

— Ҳорманглар, йигитлар, яхши иштаҳа тилаймиз, — деди Сатторов.

— Хизмати йўқласак бўларкан, бугун раисимизнинг келар вақти яқинлашиб қолди деб, сизни эслашгандик, —деди гидромеханизаторлардан бири. —Ҳузуримизга қуруқ келмаслигингизни яхши биламиз. Қандай хушхабарлар келтирдингиз, Қаршибой ака?

— Бу гал путёвкалар олиб келдим, —деди Сатторов.— Уларнинг баҳоси касаба союз ҳисобидан камайтирилган. Қримга, Чортоқ, Евпатория, Болгариянинг Варна шаҳрига путёвкалар бор. Меҳнат отпускаси яқинлашиб қолганлар марҳамат қилишсин...

Сатторов билан гидромеханизаторлар ўртасида бошланган суҳбат тобора қизиб кетди. У ўзининг ташкилотчилик маҳоратини ишга солиб, гидромеханизаторларнинг ўза ро меҳнат мусобақасида кимлар қайси ўринда бораётганини маълум қилди. Сўнгра у папкасидан газета чиқариб, «Уйғандирсизлар, республикамизнинг 15 азамати бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш ташаббуси билан чиқишди. Бу катта ташаббуснинг жойларда кўплаб издошлари пайдо бўлмоқда. Уларга ўхшаш шижоаткорлар сиаларнинг ораларингизда ҳам кўплигига ишончим комил», —деди.

Хонага сукунат чўкди. Йигитлар икки-учтадан бўлиб, ўзаро фикрлаша бошладилар. Ниҳоят 35 ёшлар чамасидаги зуваласи пишиқ йигит ўрнидан турди. Бу—ўнинчи беш йиллик зарбдори, илғор бульдозерчи И. Дробишев эди. «Уларнинг қўлидан келган ишни биздар ҳам уддалай оламиз, —деди Иван Васильевич. — Мен бошқараётган «С—100» маркали бульдозернинг йиллик деректив нормаси 100 минг куб метр. Амалдаги беш йил ликда мен 500 минг куб метр тупроқ ишларини бажаришим керак. Бунинг ўрнига мен 1100 минг куб метр тупроқ ишларини бажаришга сўз бераман...

...Бу воқеа ўтган йили бўлганди. Аҳдига вафодор И. Дробишев ўтган йили 100 минг ўрнига 253 минг куб метр тупроқ ишларини адо этди. 1982 йилнинг ўтган олти ойи давомида эса 150 минг куб метр тупроқ ишларини амалга ошириб, тўрт йиллик планни муваффақиятли бажарди.

Ишлаб чиқариш илғори билан учрашиш учун кўчма колоннага бордик. Ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи Ануза Султонова И. Дробишевнинг юксак меҳнат кўрсаткичларини гасдиқловчи рақамларни келтирди: «Иван Васильевич бундай натижаларга биринчи бор эришаётгани йўқ. У тўқиизинчи беш йиллик планини уч йилда адо этган бўлса, ўнинчи беш йиллик топшириғини 2,5 йилда бажарди. Иван Васильевичнинг фидокорона меҳнатлари «III даража Меҳнат шуҳрати» ордени, «Ўзбекистон ССР сув хўжалиги аълочиси» нишони, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган», — деди у.

Гидромеханизаторлар кўчма колоннага камдан-кам ҳолларда келишмаса улар асосан объектда бўлишади. Участка бошлиғи В. Бичков билан новатор меҳнат қилаётган «Шоликор» совхозига бордик. Бир пайтлар тўқайзор ва қамишзорлардан иборат бўлган майдонларда йирик совхознинг бунёдга келишига чорак асрдан бери шу колоннада бригаликда ишлаб келишаётган В. Бичков

Ўн бешлар ташаббуси издошлари

ва И. Дробишевларнинг кўп меҳнати сингган. Улар ана шу ерда бундан 10 йил илгари иш бошлашганди. Бу даврда кенг қўламда ирригация-мелиорация ишлари амалга оширилди, обод посёлка барпо этилди.

И. Дробишев ишлаётган объектга етиб келганимизда у ўзининг бульдозерини моҳирлик билан бошқараётган эди. Совхознинг энг чеккасидаги ана шу участкада бу йил биринчи марта шоли етиштириляпти. Шунинг учун ҳам бу ерда шоли қуритиладиган хирмонлар, йўл шохобчалари энди барпо этилмоқда. Иван Васильевич шундай объектлардан бирида қудратли механизм билан тупроқ суриб, шоли қуритиладиган хирмон учун жой ҳозирлаётганди. Бульдозернинг ўнг ва сўлга чаққон бурилиши, аниқ бориб келиши, тезкорлик билан ишлаши уни бошқараётган машинистнинг тажрибали ва тадбиркор эканлигидан далолат беради.

Иван Васильевич гапга йўқроқ экан, шунинг учун ҳам суҳбатимиз аста-секин қовушди. Унинг лўнда ва қисқа жавобларидан ишга муваффақият бағишлаётган омилларни илғаб олишга ҳаракат қиламиз. Тома-тома кўл бўлгани каби новаторнинг меҳнатига барака киритаётган омиллар ҳам талайгина. Энг аввало Иван Васильевич техникани бошқаришнинг ҳадисини олган моҳир бульдозерчи. У меҳнат фаолиятини экскаватор машинистига ёрдамчи бўлишдан бошлаганди. Ишлаш билан бирга қишлоқ хўжалигини механизациялаш мактабида сиртдан ўқиб, бульдозер машинисти, деган ихтисосни эгаллади.

И. Дробишев йилларни ортда қолдириб ишлаётганлигининг асосий омилларидан бири бульдозернинг техник қаровини доимо ўрнига қўйиши билан характерланади. Иван Васильевич бульдозерни профилактик кўригдан ўтказиш пайтида ҳамиша «пўлат от»нинг тепасида туради, майда ремонт ишларини бажаришга ўзи бош-қош бўлади. Чунки техник қаровни ўз вақтида ва сифатли бажариш гидромеханизаторга иш энг қизғин пайтларда панд бериб қўймайди, узоқ вақт капитал ремонтсиз ишлаш имконини туғдиради. Бульдозернинг бирон-бир қисми ўз вақтида мойланмаса ёки вақти-вақти билан тозаланиб турилмаса, бевақт ишдан чиқиб қолиши мумкин. Умуман техник қаров кўнгилдагидек олиб борилмаса бульдозернинг капитал ремонтлари ўртасидаги муддат қисқариб, гидромеханизатор иш унумига салбий таъсир кўрсатади. Иван Васильевич ана шуларни чуқур ҳис этган ҳолда бульдозерини ўзи миниб, ишга келибкетиб юрган «Москвич»и сингари ардоқлайди, доимо яхши ҳолатда сақлайди.

— Бульдозеримни тўрт йилдан бери капитал ремонтсиз ишлатяпман, — дейди у. — Яна шунча йил ремонтсиз ишлатишга кўзим етади. Механизм бетўхтов ишлаб турганидан кейин унум билан ишлашинг келаверади. Мана, ҳозир 1985 йилнинг февраль ойи ҳисобига меҳнат қиляпман. Йил охиригача 1985 йил планини ҳам адо этиб, ўн иккинчи беш йилликка ҳисоб очишга аҳд қилганман.

— Бундан 10 йил муқаддам ана шу жойлар тўқайзор ва қамишзор эди, — деб ҳикоя қилади совхоз ирригатор-инженери Умрзоқ Дўстов. — «Бахт» механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорларининг фидокорона меҳнати туфайли секундига 25 куб метр сув чиқариш қувватига эга бўлган насос станцияси, 15 километр узунликдаги бетонлаштирилган канал, чорвачилик комплекси ва бошқа кўплаб объектлар барпо этилди. Совхозимизни комплекс қуришнинг асосий ишлари ниҳоясига етказилди. Бунда Иван Васильевич Дробишевга ўхшаган ўз касбининг усталари бўлган ажойиб бунёдкорларнинг ҳиссаси жуда каттадир. Шамолда тебраниб турган бепоён шолизорлар, обод посёлка ана шундай фидойи кишилар меҳнатининг мевасидир.

Б. ҚАҲҲОРОВ,
Д. ЭШОНХЎЖАЕВ,
«Ўзоргтехводстрой» тресті-нинг ходимлари.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

КУН ТАРТИБИДА—АЛМАШЛАБ ЭКИШ

Бухоро область партия комитетининг бюро мажлисида Бухоро район партия комитети ҳамда бошланғич партия ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органларининг пахта-беда алмашлаб экишни жорий этиш асосида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдаги ташкилотчилик ишлари кўриб чиқилди.

Бюрода районда экин майдонларининг 68 процентида алмашлаб экиш жорий этилганлиги, бир қатор илғор хўжаликларда бу иш намунали ташкил қилинганлиги таъкидлаб ўтилди. «Правда», Усмон Юсупов номли колхозларда алмашлаб экиш 70—80 процент, «Маданият» колхозида 100 процент йўлга қўйилган. Бу деҳқончилик маданиятини кўтариш, гектарлар самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Районда ўнинчи беш йиллика тўққизинчи беш йиллиқдагига нисбатан пахта 46,7 минг тоннага, дон 7 бараварга, сабзавот-мева маҳсулотлари 25 процентга, гўшт 27 процентга, сут етиштириш 42 процентга ошди.

Шу билан бирга, область партия комитетининг бюро мажлиси район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари алмашлаб экишни жорий этишда етарли ташкилотчилик қилмаётганлигини кўрсатиб ўтди. Айрим колхоз-совхозлар пахта-беда алмашлаб экишда суст-кашлик қилмоқдалар. Раҳбар кадрлар, мутахассислар-га нисбатан талабчанлик қилинмаётир.

Обкомнинг бюро мажлиси район партия комитети, қишлоқ хўжалик органлари зиммасига, алмашлаб экишни кенг жорий этиш вазифасини юклади ҳамда бу соҳадаги ташкилотчилик ишларини кучайтиришга қаратилган тадбирлар белгилади.

Маккажўхоричиликка ихтисослаштирилган Боёвут районидаги «1 Май» совхозининг азамат «қаҳрабо дон» бунёдкорлари «дала маликаси»ни эъзозлаб, 1850 гектар ерда мўл ҳосил етиштирдилар. Айни куиларда хўжаликда ўрим-йиғимга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Эрта-индин ўрим-йиғим бошланади.

Суратда: совхоз директори Пиримқул Иўлдошев (чапда) тажрибали маккажўхорикор, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори Назрулла Умиров билан ҳосилни кўздан кечиришяпти.

Р. Нуриддинов фотоси.
(ЎзТАГ).

БОШ МЕЗОН

Қамаши районидаги К. Маркс номли совхоз партия комитети ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантиришга самарали партиявий таъсир ўтказмоқда. Коммунистларнинг тўртдан уч қисми ишлаб чиқаришда банд бўлиб, янгидан 11 та цех, 17 та партия группаси тузилди. Ишлаб чиқаришни саноат негизига кўчириш, мутахассисларнинг масъулиятини ошириш, совхоз экономикасини кўтариш, дала ишларини комплекс механизациялаш масалалари партия йиғилишларида атрофлича муҳокама қилиниб, муҳим қарорлар қабул қилинмоқда ва уларни бажариш йўл-йўриқлари белгиланмоқда.

Партия йиғилишларини ўтказиш ва тайёрлаш ишларига партия активи кенг жалб этилмоқда. Меҳнаткашларнинг турмуш маданиятини юксалтириш партия комитетининг диққат марказида турибди. Бу иш раҳбар кадрлар, мутахассислар, новаторларга, кенг жамоатчиликка таянган ҳолда ташкил этилмоқда. Партком хўжалик маъмурияти билан ҳамкорликда қишлоқ аҳолисига маиший, медицина, савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиб, изчил амалга оширмоқда.

Хўжаликка ана шундай малакали партиявий раҳбарлик таъминланганлиги туфайли совхоз экономикаси юксалмоқда. Ўнинчи беш йилликда бошоқли дон экинларининг ўртача ҳосилдорлиги планга нисбатан гектар бошига 1,7 центнерга, картошка 14,2 центнерга кўпайди.

Қашқадарё область партия комитети совхоз партия комитетининг омма орасида олиб бораётган партиявий-ташкилий, тарбиявий ишларини муҳокамадан ўтказиб, юқоридаги ютуқлар билан бир қаторда, камчиликларга йўл қўяётганлигини кўрсатиб ўтди. Совхоз партия комитетига касаба союз ҳамда комсомол ташкилотларининг фаолиятини активлаштириш, чорвачиликни рентабелли тармоққа айлантириш, қуйи звено кадрлари билан ишлашга эътиборни кучайтириш тавсия этилди.

ИЛҒОРЛАРДАН ТАЛАБ КАТТА

Ҳозир Оққўрғон районининг колхоз ва совхозлари беданинг учинчи ўримини тугалламоқдалар. 2400 гектар майдондаги беданинг ҳар гектаридан биринчи ўримда 64,8 центнердан, иккинчи ўримида 46,4 центнердан пичан олинди, шу жумладан, 16,8 минг тонна сенаж бостирилиб, топшириқ 105 процент бажарилди. Шу йил 16 июлга қадар 29,7 минг тонна дағал хашак жамғарилди, белгиланган йиллик топшириқ 74,2 процентга етди.

Районда озуқа тайёрлаш ҳажми ва суръати ўтган йилнинг шу давридаги билан тенг боряпти. Буни қаноатланарли деса бўладими? КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленуми қарорларида, СССРнинг Озиқ-овқат программасида қишлоқ меҳнатчилари олдига маҳсулот етиштиришни йил сайин жадал ошириб бориш қатъий вазифа қилиб қўйилди. Бинобарин, ем-хашак жамғариш ҳажми ва суръати ҳам ўтган йилнинг шу давридагидан анча ортиқ ва юқори бўлиши керак. Чунки чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ошириб бориш кўп жиҳатдан ана шунга боғлиқ.

Ем-хашак жамғаришнинг боришини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳар бир хўжаликда етарли озуқа запаси барпо қилиш учун қаттиқ куч-ғайрат сарф лашга тўғри келади. Даставвал табиий ўтлардан пичан жамғариш топшириғи бажарилмай қолганлиги сабабли унинг ўрни беда пичани ҳисобига тўлдирилиши зарур. 6 минг тонна ўрнига 3,4 минг тонна табиий ўт пичани жамғарилиб, топшириқ 56,7 процентда қолди. Бунинг объектив сабаблари бор, албатта. Табиий ўт ўримини тўғри ташкил эта билган бўрдоқичилик базаси коллективи 600 тоннадан ортиқ пичан жамғариб, топшириқни бажарди, бир неча колхозлар 60—80 процентга уддаладилар. Лекин район ташкилотлари ёрдамчи хўжаликлари планда белгиланган 700 тонна ўрнига атиги 67 тонна табиий ўт пичани жамғариб, топшириқни барбод қилишди. Ҳолбуки, уларда ишчи қучлари етарли эди.

Тадбирларда беданинг ҳар ўримида олинган озуқанинг 50 проценти сигирларга кўк ҳолида едирилиши, қолган қисми жамғариб қўйилиши кўрсатилган. Биринчи, иккинчи, учинчи ўримларда сигирларга берилаётган кўк беда олинган ҳосилнинг 60 процентини ташкил этмоқда. Район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг мутахассислари тўртинчи, бешинчи ўримларда у 70, ҳатто 80 процентга етиши мумкин, деб ҳисобламоқдалар. Чунки сўнгги ўримларда беда ҳосили камроқ бўлади. Бундан ташқари кўклам ва ёз ойлари бошида сигирлар рационига жавдар, рапс, судан ўти каби оралиқ экинлар озуқаси ҳам кирган эди. Шундай бўлгач, қишлоқ учун ғамлаб қўйиладиган беда пичани янада камаяди. Район колхоз ва совхозлари 15 июлгача 7,1 минг тонна беда пичани жамғариб, топшириқни 44,4 процент бажардилар. Агар тўртинчи, бешинчи ўримларда парвариш намунали йўлга қўйилмаса.ўрим-йиғим пухта ташкил қилинмаса, топшириқнинг бажарилмай қолиш хавфи ҳам йўқ эмас.

МЎЛ-КЎЛ ЕМ-ХАШАК ЖАМҒАРАЙЛИК

Беда — бебаҳо озуқа экини. Соғин сигирлар шу кунларда мазкур озуқа билан боқиляпти. Йилнинг бошқа фаслларида ҳам рационда у катта ўрин тутади. Ҳар куни кўк беда эвазига сут-товар фермаларидан қатор-қатор трактор прицепларида цистерналар тўла серқаймоқ сут тайёрлов пунктларига олиб келиняпти. Беда етиштириш кўп меҳнат ва маблағ талаб этмайди. Бу жараён етарли механизациялашган. Лекин бундан парвариш эътибор берилмаса ҳам мўл ҳосил олинаверади, деган маъно келиб чиқмайди. Ҳар қандай моддий бойлик фақат сидқидилдан қилинган меҳнат эвазига келгани каби бедадан мўл озуқа жамғаришнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари, нозик томонлари бор.

Бедачиликка алоҳида меҳр билан қараб, уни ўз вақтида озиқлантириб, суғориб ниҳолларнинг дуркун ўсишини таъминлаётган, ўрим-йиғимни қисқа муддатда ўтказаётган Куйбишев номли, Вотинцев номли, «Ленинобод» ва бошқа колхозлар беда пичани тайёрлаш топширигини бажарай деб қўйдилар.

Лекин қиш ғамини ёз еган, хўрагини оз ер, деган халқ ҳикматига амал қилмаётган, дағал хашак, жумладан, беда пичани тайёрлашда судралаётган хўжаликлар ҳам йўқ эмас. «Партия XXII съезди» колхози (раиси Сиддиқжон Ғойибов, бош зоотехник Абдураззоқ Қурбонов) июль ойининг ярмига қадар дағал хашак жамғариш топширигини 51,3 процент, шу жумладан, беда пичани тайёрлашни 14,2 процентга етказди, холос. 540 тонна ўрнига атиги 97 тонна табиий ўт пичани тайёрланиб, план 17,9 процентда қолиб кетганлиги хўжалик раҳбарларини ташвишга солмаётир. Район бўйича ёлғиз шу колхозда сенаж бостириш плани ҳанузгача бажарилгани йўқ. Охунбобоев номли колхоз (раиси Шарифжон Абдураҳмонов, чорвачилик бўйича раис ўринбосари Абдужаббор Сулаймонов, катта агроном Раимберди Бобомуродов) маълумотда пастдан иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Бу хўжаликда дағал хашак жамғариш 61,1 процент, шу жумладан беда пичани — 21,5 процент бажарилган. Озуқа жамғаришда ғаниматдан фурсатлар ўтиб бораётганлигидан, пичан ғарамларининг чўғи эса ҳали пастлигидан бу колхозларнинг, бошқа хўжаликларнинг раҳбарлари жиддий хулоса чиқаришлари керак.

Ниҳоят районда ўт уни тайёрлаш суст бораётганини ҳам айтиб ўтиш керак. Бу муҳим озуқани 3 минг тонна тайёрлаш планлаштирилган, лекин ҳозиргача 700 тоннага яқин тайёрланиб, план 20 процентдан сал ошди. Агар беда мўл бўлса, бу озуқани тайёрлаш муаммоси осон ҳал этилади. Шу муносабат билан районда бедачиликка муносабат хусусида яна бир факт таҳлилга муҳтож. Юқорида айтилгандек, районда 2400 гектар эски ва 410 гектар янги бедапоя бор. Беда иккинчи, учинчи йилларда мўл пичан бериши, тўртинчи йили алмашлаб экиш схемасига биноан ўрнига бошқа экин экилишини ҳисобга олсак, район хўжаликларида бедапояларни ҳар тўрт йилда янгилаб туриш имкони борми? Юқоридаги рақамлар бунинг учун олти йил керак бўлишини кўрсатиб турибди. Балки районда бошқа резервлар бордир ёхуд келгуси йили янги беда майдонларини кескин кўпайтириш мўлжалланаётгандир. Бунисси бизга аниқ эмас. Лекин бу масалада шубҳага ўрин қолмаслиги, у ижобий ҳал қилиниши зарур.

Оққўрғон районида озуқа жамғариш асло бўшаштирилмаяпти. Олинган мажбуриятларни анча ортиғи билан бажариш учун имкониятлар ҳам, фурсат ҳам бор. Ёз кунларидан унумли фойдаланиб, ҳар бир хўжаликда мўл ва сифатли озуқа запаси вужудга келтириш учун астойдил қурашиш керак.

Б. ШОНАЗАРОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Жарқўрғон районида янгитдан ташкил этилган Ҳамид Олимжон номли совхоз боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган. Ана шу хўжаликнинг 260 метр баландликдаги боғлари ҳамда узумзорларига Амударё суви насос станцияси орқали чиқариб бериляпти. Бир пайтлар ҳувуллаб - ётган жойларни ирригаторлар, меліораторлар, соҳибкорлар боғу бўстонга айлантиришяпти.

Суратда: насос станциясининг машинисти Омон Хайтов.

И. Хўжаев фотоси. (ЎзТАГ).

Бўз районидаги Энгельс номли колхозда янги бир тармоққа асос қўйилди. Бу ерда Красноярск ўлкасидан олиб келинган 600 тадан зиёд нутрия боқиляпти. Келажакда уларнинг сонини 3 минттага етказиш кўзда тутилмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра бу тармоқ хўжаликка йилига 150 минг сўм даромад беради.

Суратда: нутрия боқилаётган ферманинг бош зоотехниги Одилжон Тошбоев.

Р. Ашуров фотоси. (ЎзТАГ).

РАПҚОН ЖИЛОЛАРИ

ЛАВҲА

Рапқондан чиқиб, «Искра» колхозини тенг иккига бўлиб оқаётган Катта Фарғона каналидан ўтган кишининг кўзи бир зум жимирлаб кетади. Олдинда тап-тақир яйдоқ дашт. На бир дарахт, на бир ғужум гиёҳ бор. Фақат даштни тасмадек иккига бўлган Конибодом — Риштон асфальт йўлини ҳисобга олмаганда, бу ерларнинг вужуди қип-қизил тош. Сал нариоқдан ўркач-ўркач адирлар бошланади. Бу адирлар бора-бора юксалиб, Помир ва Олой тоғ тизмаларига қўшилиб кетади.

Ўтмишда бу адирларни Бўрилсой дейишган. Таажжуб. Бўриларнинг-ку, бўлганлигини инкор қилиб бўлмайди. Лекин аминмизки, сойдан ниқон ҳам бўлмаган. Ўнлаб, юзлаб асрлар сув кўрмаган бу ерлар. Шунинг учун на гиёҳ ўсган ва на дарахт кўкарган. Шу боисдан, рапқонликлар «бизнинг тоғлар қарғишга қолган», дейишади. Дарҳақиқат, уларнинг бу гапида жон бор. Ахир, табиий мевалари ва бошқа ноз-неъматлари одамларни, ўт-ўланлари эса жамоат чорвасини боқаётган тоғлар озми?! Бу адирлар эса тамоман бунинг акси.

Ҳа, бундан бир неча йил бурун шундай эди. Ҳозир «қарғиш теккан» ана шу Рапқон даштининг либоси кун сайин ўзгариб, кўркамлашиб боряпти. Дашт бағрини ҳозир неча ўн минг тун мевали ва манзарали дарахтлар — ўригу-гилос, шафтоли-ю олма, ёнғоғу бодом, узуму анорлар нафосатга буркаб турибди . Ҳатто цитрус ўсимликларининг энг нозиги, соҳибкамоли — лимон ўсяпти, бу даштда.

Етти йил бурун ниҳол ўтқазиш тугул уни ўзлаштириш ҳам ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бу даштга Рапқоннинг энг танти, узоқни кўзлайдиган деҳқонларидан бири — Тўхтақўзи Росабоев кетмон урди. Унинг юмушлари оз дейсизми? Ҳеч-да. Турли ташвишлар бригадасида ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Ахир 80 гектар ерда пахта етиштириш ва йил сайин 40-45 центнерга етказиб ҳосил олиш ўз-ўзидан бўлмайди-ку! Бу ишлар 40-50 нафар коллективни ҳам, унинг бошлиғини ҳам йил — ўн икки ой тиндирмайди.

Лекин Тўхтақўзи ака вақт топди. У ўша йили эрта кўкламда ўн беш чоғли кексаларни уюштириб, даштга олиб чиқди. Шу тарика саҳоватли иш бошланиб кетди. Улар дастлаб тош териб, дашт юзини очишди, ариқчалар қазиб, кўчатлар учун жой ҳозирлашди. Сўнг эса кўчат ўтқазиб, унинг илдизига қишлоқдан тупроқ ташиб, тўкишди.

Эндиги муаммо сув эди. Колхоз правленнеси ва партия комитети буни ҳал қилиб бергунга қадар улар кўчатларни Катта Фарғона каналидан адирга сув олиб чиққан нефть қидирувчиларнинг насосидан фойдаланиб туришди. Хуллас, шу йили қақроқ даштнинг бир чеккасида 150 тун ўрик гуллади. Бунинг бир қисмини Тўхтақўзи аканинг ўзи, қолганларини эса Улуғ Ватан уруши қатнашчилари Пирназар Бегназаров, колхоз ва меҳнат ветеранларидан Акбарали Йўлдошев, Абдуғаффор Турсунов ва Абдуллажон Улмасов каби отахонлар экишди.

«Искра» колхози правленнеси ва партия комитети отахонлар бошлаган бу саҳоватли ишни давом эттириш учун ҳамма тадбирларни белгилаб чиқди. Уларга моддий ва маданий ёрдамчи алмади. Қисқаси, даштни ўзлаштириш ва унинг бағрини боғ-роғларга айлантириш пайидан бўлди. Ана шу кунларнинг бирида Тўхтақўзи ака колхоз правленнеси раисининг қабулига келди. Правление раиси Тожимат Мазокиров унинг камтар ва ўта босиқлигини, колхоз идорасига жуда кам келишини, лекин ҳар келганда албатта бирор муҳим ишни ҳал қилиб кетажагини яхши биларди. Шунинг учун салом-аликдан кейиноқ унинг юрагига қўл солди:

— Келинг ака, қандай шамоллар учирди?

— Ғўзаларимиз ўтдан чиқди. Сув, ўғит, техника ҳам етарли. Бу гал мен шийпон қургани рухсат сўраб келдим.

Раис Тўхтақўзи аканинг гапига дарҳол тушуна олмай, ҳайрон бўлди.

— Яна қандай шийпон. Ахир шийпонингиз бор-ку? Бўлганда ҳам ҳашаматли, районда ягона.

Тўхтақўзи ака энди фикрини очиқроқ айтди:

— Бригадага эмас, шийпонни даштга, янги боққа қурамиз. Ҳамма нарса, қурилиш материаллари ҳам, усталар ҳам ўзимиздан. Фақат жойини кўрсатиб, руҳсат берсаларингиз, бас. Ахир даштни ўзлаштириш бошпанасиз бўлмайди-ку.

Хуллас, шу йили даштда савлатлигина дала шийпони қад ростлади. Буни асосан қишлоқ қариялари ҳашар йўли билан қуришди.

Келгуси йили Тўхтақўзи аканинг ёнига яна ўнлаб қариялар қўшилишди. Улар ердан муз кетиши биланоқ боғ тараддудини бошлаб юборишдилар. Правление ёрдамини тағин ҳам кучайтирди: катта Фарғона каналидан насос орқали сув тортилиб, 47 метр баландликка узатилди, қақроқ дашт бетига гулроқ тўкилди: хилма-хил, энг яхши навли мева кўчатлари келтирилди. Иш қизиган сайин дашт ҳужумкорларининг сафи ҳам кенгая борди.

1976 йилнинг февраль умрбод эсдан чиқмайдиган кун бўлиб қолди. Жонажон Коммунистик партиямизнинг XXV съезди очилган мана шу куни қалб даъвати билан бутун колхоз даштга кўчиб чиқди. Яратилажак эсдалик боғига ўз улушини қўшишга келганларнинг ҳар бири ўша куни ва съезд давом этиб турган кунларда яхши ният билан 25 тупдан мевали дарахт кўчати ўтқазишди. Шу тарика Киров районида «КПСС XXV съезди» боғи барпо этилда ва у ўзининг биринчи ёшини 30 гектар билан бошлади.

Бу боғнинг кейинги ёшлари эса Октябрь революциясининг, шонли Ленин комсомолининг 60 йиллик тантаналари, қолаверса, ленинчи партиямизнинг XXVI съездлари билан боғлиқ. Ҳозир унинг сатхи салкам юз гектарни қоралаб қолди. Боғда 14 минг тун сара ўрик, 13 минг тун шафтоли, 24 минг тун узум, ёнғоқ, бодом, гилос, олча, анжир ва анор сингари 22 хил мева дарахтлари барқ уриб ўсяпти. Буларнинг олди ўтган йилдан бошлаб қийғос ҳосилга кирди.

Беш-олти йил бурун даштда бўлган киши бугун уни мутлақо таний олмайди. Не азоб билан қурилган ва ўша кунларда ёлғиз сўпайиб турган шийпон ҳозир боғнинг маркази. Атрофида ҳашамдор чойхона, кафе, Бахт уйи, гулзор... Эҳе, таърифи тилларга сиғмайди унинг. Боғбон қўли гул деб, шунга айтадилар-да!

Тўрт йил бурун даштда бўлиб, унинг биринчи ҳужумкори Тўхтақўзи ака билан суҳбатлашганимизда у шундай деган эди:

— «Рапқондан чиқиб, бир қараанг-а, чап томонида кўмкўк боғ, ўнг қўлда эса ҳамон кета-кетгунча қип-қизил дашт. Унинг ўндан биринигина тизгинладик. Қани энди сув муаммоси ҳал бўлса-ю, бийдек бу даштни батамом тизгинлаб, кўкаламзорлаштириб юборсанг».

Дарҳақиқат, бу бир орзу эди. Орадан икки йил ўтгач, бу ерда «Партия XXVI съезди» боғдорчилик-узумчилик совхози тузилажаги ҳақида гап юриб қолди.

Ҳар тоғнинг ўз бургути, ҳар отнинг ўз чавандози бўлганидек, ҳар даштнинг ҳам ўз лочини бўларкан. Бунинг маъноси шуки, ҳар жойнинг шароити турлича. Унинг машаққатларига, оғир-енгил қийинчиликларига ўзгаларнинг кўникиши, чидаши қийин. Янги хўжалик директори Обид Ҳошимов ана шундайлардан.

У аввало шу ердаги колхозда экономист бўлган, колхоз қурувчиларига бошчилик қилган. Кейинги вақтда икки колхозга хизмат қиладиган Рапқон матлубот жамиятида раис бўлган бу йигитни Киров район партия комитетидаги ўртоқлар совхоз директорлигига тавсия этиб, тўғри қилди. Негаки, шу уч ойнинг ўзида қилинган ишлар шундан далолат бериб турибди. Ҳозир совхоз учун маъмурий бино, ёнида ошхона, устахона, омборхоналари билан қурилиб, ишга тушди. Шунингдек, трактор парклари қуриляпти. Буларнинг ҳаммаси, албатта, ярим ҳашар йўли билан қилинмоқда. Яна шуниси қувончлики, совхоз бирорта ишчи кучисиз ташкил топган эди. Ҳозир эса бу ерда 500 га яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Буларнинг кўпи Рапқоннинг ҳар икки «Москва» ва «Искра» колхозларидан чиққан ёшу-кекса боғбонлар. Улар орасида қўшни Ўзбекистон районида ва қардош тожикистонлик соҳибкорлар ҳам бор.

Бироқ, бу айтганларимиз қилинган ишларнинг асосийси эмас. Асосийси шуки, ана шу ишчилар жуда қисқа муддатда яхлит коллективга уюшиб, икки ой ичида 470 гектар даштга жон киритдилар. Бунинг учун кунларни тунларга улаб, қиш қаҳрига, дашт изғиринлари-ю, чангтўзонларига дош бериб ишладилар. Ана шу майдонларнинг 150 гектарида ҳозир хурмо, исфарак, қора қандак, «лола» навли ўрик ва шафтолилар, 286 гектарида «Баян-ширий», Октябрьский навли винобоп ва дастурхон безаги бўлган қора қишмиш, қора чилги узум кўчатлари, талай майдонларда яна қўплаб энг яхши навдаги анор, бодом, ёнғоқлар барқ уриб ўсмоқда. Уларнинг парваришли 22 та бригадага уюшган энг яхши боғбонлар қўлида.

Бригадаларга асосан Юсуфжон Кабиров, Усмонали Мелиев, Саҳобиддин Жўраев ва Усмонали Аҳмедов сингари энг тажрибали, кўзга кўринган соҳибкорлар етакчилик қилишяпти.

Яқинда биз янги совхознинг дашт ўрнидаги ана шу боғ-роғларини зўр мамнуният билан кўздан кечириб, тошда гул ундираётган бу азаматлар меҳнатига офаринлар айтдик. Қайтишда эса йўлни атайлаб яна даштга солдик. Машина бир томони Помир-Олой тоғ тизмаларига туташиб кетган, бир ёнида эса ҳайқириб Катта Фарғона канали оқаётган Конибодом —Риштон асфальт йўлидан текис юриб бормоқда. Бир неча йил бурун тап-тақир даштни иккига бўлган бу йўл энди яшил ниҳоллар оғушида киши қалбини жумбушга келтиради. «Партия XXV съезди» колхозининг боғи қад ростлаб, атрофга файз бериб турибди. Йўлнинг ўнгу-сўлида эса кечагина режа тортиб, дид билан экилган ёш мева ниҳоллари попуқдек барқ уриб ўсмоқда. Эгатларда жилдираётган зилол сув тош тафтини синдириб, уларга қон-жон бағишлаяпти. Юқорироқда, ҳув, адирлар пойида эса тўрт-беш чоғли киши нималар биландир машғул. «Улар кимлар?» қабилида савол назари билан директорга қараймиз.

—Қурувчилар, посёлка планини тузишяпти, —дейди у ойнадан кўзини узмай.

—Посёлка дейсизми? Ҳали бу ерда посёлка ҳам бўладими? —сўраймиз ажабланиб.

—Бўлганда ҳам қандай денг, замонавий уйлари, марказий қўрғони, касалхона, мактаб, боғчалари, савдо маркази, ҳатто консерва ва вино ишлаш корхоналари билан бўлади.

Инсоннинг қўли гул, дейишлари бежиз эмас. Ҳа, тоғни талқон қилиб, дарёларни тўсадиган бу қўллар тошда гул ундиришга ҳам қодир. Бу, кўз ўнгимиздаги мана шу яйдоқ дашт мисолида ҳам кўриниб турибди. Иллар ўтар, вақти келиб бу сўлим боғлар ўрни тақир дашт эди, дейилганида балки ишонмайдиганлар ҳам чиқиб қолар. Бу кунлар узоқ эмас.

Э. МУЛЛАЕВ

РЕЗЕРВЛАР ҲИСОБИГА

Қорақалпоғистондаги «Равшан» совхозининг шолипоялари бу йил яна юз гектар кенгайди. Шу билан бирга ана шу янги майдонлар ички резрвларни ишга солиш туфайли барпо этилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорлари хўжалик меҳнаткашларини шоли етиштириш учун янги имкониятларни қидириб топишга йўллади. Озиқ-овқат программасини ҳал этишда шоли етиштиришни кўпайтиришга катта аҳамият берилган. Совхозда бўлиб ўтган йиғилишда пленум якунлари муҳокама қилинди. Бригадир Жаналиқ Азиров йиғилишда сўзга чиқиб, йўл бўйлари, ариқ ёқалари ва бошқа бўш ётган парча ерлардан экин майдонларини кенгайтириш учун фойдаланиш мумкин, деди. Аввал бу таклиф қўллаб-қувватланмади: Бу ерлардан фойдаланиш катта наф келтирмаслигини айтишди. Лекин бригадир ўз сўзида қаттиқ туриб, бундай фикрлар асоссиз эканлигини исбот қилди.

У совхознинг далалари ўртасидан саккизта йўл ўтганлигини бу ерларни транспорт ҳаракати учун зарар етказмай, бемалол ҳайдаш мумкин эканлигини ҳисоблаб чиқди. Бунинг натижасида 12 гектар унумдор ерни ўзлаштириш мумкин. Ж. Азиров бригадасининг экин майдони билан магистрал канал ўртасида яна саккиз гектар ер бўш ётибди. Ана шу ерларни ҳам бригада экинзорларига қўшиб олиш тўғрисида ирригаторларнинг розилигига эришилди.

Ж. Азировнинг таклифига мувофиқ совхозда ҳамма ерлар пухта текшириб чиқилди. Ана ўшанда қўшимча юз гектар ер «топилди». Умуман хўжалик бўйича ана шу ерларни ишга солиш туфайли бу йил ҳосилга камида 650 тонна сара нав шоли қўшилади.

Ердан омилкорлик билан фойдаланиш тажрибаси ва «Равшан» совхози меҳнаткашларининг ташаббуси қорақалпоғистонда кенг қўллаб-қувватланди. Партия XXVI съездининг қарорига мувофиқ бу ўлкада шоличиликнинг энг йирик зонаси барпо этилмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

Дунё овози
Чет эл хабарлари

АГРЕССИЯ ТЎХТАТИЛСИН, УРУШ ОЛОВИ ЎЧИРИЛСИН!

Халқаро жамоатчилик ва матбуот ўртоқ Л. И. Брежнев «Правда» газетаси саволларига қайтарган жавобларини кенг шарҳлаб, бу жавобларда Ливандаги ва умуман Яқин Шарқдаги можарони бартараф қилиш ҳақидаги конструктив Совет программаси баён этилган, Фаластин давлатини вужудга келтириш зарур эканлиги кўрсатиб берилган, СССРнинг халқаро кескинлик манбаларини тугатиш, халқларнинг озодлик курашини қўллаб-қувватлашга қаратилган изчил йўли аниқ-равшан ўз ифодасини топди, деб таъкидламоқдалар.

Л. И. Брежневнинг жавоблари Араб мамлакатлари оммавий ахборот воситаларининг диққат-марказида турибди. Ливан радиоси ҳабарлаб ўтганидек, Совет раҳбари Яқин Шарқ проблемасини адолатли равишда ва кенг кўламда ҳал этиш, фаластинликларнинг ўз давлатини вужудга келтириш ҳуқуқини қўллаб-қувватлади. Совет раҳбари Яқин Шарқ масаласи юзасидан халқаро конференция чақириш зарур эканлигини айтди. Бу конференцияда барча манфаатдор томонлар, шу жумладан фаластин халқининг бирдан-бир қонуний вакили бўлмиш Фаластин озодлик ташкилоти иштирок қилиши керак.

Суриядаги «Тишрин» газетаси ёзади: Л. И. Брежнев Совет Иттифоқининг позицияси ҳақида гапирди. Бу позиция араб халқларининг Исроил агрессиясига қарши кураши учун мустаҳкам таянч вужудга келтиради. Совет Иттифоқининг позицияси АҚШнинг фаластинликлар ҳаракатини тугатиш, Исроилнинг Ливандаги интервенцияси натижаларини мустаҳкамлаш ва регионда ўз ҳокимиятини ўрнатиш йўлидаги уринишларини барбод этади. Совет раҳбари ўз мамлакати Фаластин халқининг тақдирига ва Араб мамлакатларининг истиқболига масъулиятни сезиб ёндашаётганлигини намойиш қилди. Л. И. Брежневнинг жавоблари СССР билан араб халқлари ўртасидаги самимий дўстона муносабатларни яна бир бор тасдиқлайди.

Марокаш оммавий ахборот воситалари Совет Иттифоқи араб халқларининг Исроил агрессиясига қарши курашини қатъиян қўллаб-қувватлаётганлигини таъкидламоқдалар.

Марокаш МАП агентлиги Совет раҳбари жавобларининг батафсил баёнини «Исроилнинг ҳаракатлари кирғинчиликдан бошқа нарса эмас» деган сарлавҳа остида эълон қилди. **Работ радиоси** Л. И. Брежневнинг жавобларини сиёсат соҳасидаги асосий янгилик деб ҳисоблайди. Москва, деб уқтириб ўтади радио, Америка қўшинларининг Ливан территориясида бўлишига қатъиян қаршидир.

Чет эл матбуотининг кўп шарҳларида АҚШ Фаластин Араб халқининг ташкилотларини, шу жумладан Фаластин озодлик ташкилотини тугатиш, фаластинликларни Араб мамлакатларига тарқатиб юбориш учун уринаётган бир пайтда Совет Иттифоқи масалани бирдан-бир тўғри, инсонпарварлик руҳида ҳал этишни ёқлаб чиқмоқда. Масалани шу тарзда ҳал этиш Фаластин давлатини вужудга келтиришни кўзда тутади. Бу масалани ҳал этмай туриб Фаластин проблемасини ҳал этиш, шунингдек умуман Яқин Шарқ можаросини бартараф қилишга эришиш мумкин эмас, деб уқтириб ўтилади.

Куба телевиденнеси Совет раҳбари таклифларининг конструктив характерда эканлигига эътиборни жалб этади. Телевиденнеснинг шарҳларида айтилишича, Яқин Шарқ танглигини бартараф қилишнинг конкрет йўли кўрсатиб берилди. Бу йўл Исроил қўшинларини босиб олинган Араб территорияларидан дарҳол олиб кетиш ва мустақил Фаластин давлатини вужудга келтиришдан иборат.

«Нойес дойчланд» (ГДР) газетаси қуйидагиларни уқтириб ўтади: ўртоқ Л. И. Брежнев Фаластин Араб халқи проблемасини ҳал этишнинг, Ливандаги ва умуман Яқин Шарқдаги можарони бартараф қилишга эришишнинг асосий йўлларини аниқ белгилаб берди. Уруш оловини ўчириш, агрессияни тўхтатиш керак. Исроил қўшинлари эса Ливан территориясидан чиқиб кетишлари лозим. Фаластин давлатини вужудга келтириш зарур ва адолатли иш эканлигини англаш бутун жаҳонда кенгайиб борляпти. Совет Иттифоқи Яқин Шарқда мустаҳкам тинчликни таъминлашдан манфаатдор бўлган барча кишилар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдирди. Яқин Шарқ масаласи юзасидан халқаро конференцияни чақириш тўғрисидаги Совет таклифи нечоғлик тез амалга оширилса, шу қадар яхши бўлади.

Америкадаги «Фаластинликлар ҳуқуқини ёқлаш кампанияси» жамоат ташкилотининг миллий директори Ж. Зогби шу гапларни айтди: Совет Иттифоқи Фаластин Араб халқининг адолатли курашини қўллаб-қувватлаётганлигини яна намойиш қилди ва Фаластин давлатини вужудга келтириш —Фаластин проблемасини ҳал этишнинг энг яхши, реалистик йўли эканлигини кўрсатди. Л. И. Брежневнинг жавоблари Совет Иттифоқининг ташқи сиёсат соҳасида Ливандаги тангликни ҳаққоний равишда бартараф қилишга қаратилган яна бир муҳим баёнотдир. Совет раҳбарининг айтган гаплари СССР Исроилнинг бу мамлакатдаги боқимандалик агрессиясини қатъиян қоралаётганлигини таъкидлайди. Бу агрессиядан кузатилган мақсад —фаластинликларни қириб ташлашдан иборатдир.

Совет президенти, деб ёзади **«Нью-Йорк пост»** газетаси, Исроилнинг Ливандаги ҳаракатларини қирғинчиликдан бошқа бир нарса эмас, деб таърифлади ва Совет Иттифоқи Ливан диёрида Америка қўшинларининг пайдо бўлишига қатъиян қарши чиқади, деди.

Совет раҳбари, деб таъкидлайди Франциянинг **«Монд»** газетаси, Исроил қўшинларининг Байрутни қамал қилиб туришига чек қўйиш зарур эканлигини уқтириб ўтди. Совет давлатининг бошлиғи сепарат битимлар барбод бўлганлигини айтиб, Яқин Шарқ масаласи юзасидан халқаро конференция чақиришга яна таклиф этди.

Ҳиндистоннинг **«Ҳиндустан таймс»** газетаси Яқин Шарқдаги тангликни мустаҳкам равишда ва кенг кўламда бартараф қилишни ёқлаб чиқаётган СССРнинг изчил позицияси катта аҳамиятга эга эканлигини қайд этади. Л. И. Брежневнинг гапларидан шу нарса равшанки, деб ёзади газета, Совет Иттифоқи Фаластин давлатини вужудга келтириш Фаластин Араб халқининг проблемасини ҳал этишнинг энг яхши реалистик йўли деб ҳисоблаган. (ТАСС).

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БУДАПЕШТ. Венгриядаги кемасозлик ва кран заводида 2400 от кучига эга бўлган ҳамда Совет Иттифоқига мўлжалланган дастлабки шатакчи кема сувга туширилди. Ниҳоят кучли, тежамли бу кемани совет ва венгер мутахассислари ишлаб чиқдилар. Келгуси йилда уни кўплаб ишлаб чиқаришга киришилади. ВХР кемасозлари беш йиллик охиригача Совет Иттифоқидаги шерикларига шу моделдаги ўттизта шатакчи кемани етказиб берадилар, бу кемалар энг аввало Сибирь ва Узоқ Шарқ дарёларида кенг фойдаланилади.

Венгриядаги кемасозлик ва кран заводи социалистик иқтисодий интеграция комплекс программасини амалга оширишда актив иштирок этмоқда. Совет Иттифоқи кўп йиллардан бери Венгрия кемасозлари маҳсулотининг асосий буюртмачиси бўлиб келмоқда.

РИМ. «Алюминио Италиа» давлат компанияси алюминий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини 20 процент қисқартиришни эълон қилди. Европа иқтисодий ҳамжамиятидаги шериклар томонидан, шунингдек АҚШ ва Япония томонидан рақобат кучайиб кетганлиги сабабли шундай қарорга келинди, деб тушунтирди компания маъмуриятн.

Давлатнинг корхоналардаги иштироки масалалари билан шуғулланувчи министрлик бу тармоқда вужудга келган аҳвол муносабати билан алюминий ишлаб чиқарувчи давлат корхоналарида ишлаётган меҳнаткашлардан икки минг кишини ишдан бўшатиш ниятидадир.

ТОКИО. Умумяпония медицина ходимлари касаба союзи кенгашининг Атами шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги съездида «қуроллариш пойгаси ҳамда ҳукмрон доираларнинг халқ демократик ғалабаларига ҳужум тўхтатилишни талаб қиламиз!» деган талаблома қабул қилинди. Съездда сўзга чиққан нотиқлар либерал-демократлар ҳукуматидан соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари учун ажратиладиган маблағни кўпайтиришни талаб қилдилар.

ГАВАНА. «Прнсма Латиноамерикано» журналининг хабар беришича, Доминикана республикасидаги меҳнатга яроқли бутун аҳолининг деярли ярми ишлаш ва кун кечириш воситаларидан маҳрум бўлган. Бу мамлакат сўнгги 10—15 йил мобайнида бундай ниҳоят чуқур социал-иқтисодий кризисга дуч келмаган эди.

(ТАСС).

«ПЕКИН БИЛАН ТЕЛЬ—АВИВНИНГ ХУФЁНА ТИЛЁҒЛАМАЛИГИ»

ПРАГА. (ТАСС). Хитой билан Исроилни уларнинг ташқи сиёсатидаги ашаддий миллатчилик бирлаштириб турибди, деб ёзади ЧКП Марказий Комитетининг ҳафталик «Трибуна» газетаси. Модомики, Хитойнинг Яқин Шарқдаги сиёсати Исроил билан яқинлашишга қаратилган экан, деб уқтирилади мақолада, бу йўл Араб давлатларининг манфаатларига хилоф эканлиги мутлақо равшандир. Бунинг устига Пекин Араб мамлакатлари ўртасида зиддиятларни авж олдиришга умид боғламоқда. Пекин Вашингтон раҳбарлигида Қоҳира билан Тель-Авив ўртасида тузилган сепарат битимларни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлашга шошилиб уларнинг даллоли ролини ўйнаганлиги қонуниятли бир ҳолдир. Аммо ана шу сепарат тил бириктирувлар Яқин Шарққа тинчлик келтирмади.

«Трибуна» қуйидагиларни уқтиради: Хитойнинг оммавий ахборот воситалари сўзда Хитой Араб халқларининг кураши билан «бирдам» эканлигини ва фаластинлик Араб халқининг ҳуқуқлари тикланиши учун курашаётганлигини таъкидламоқдалар. Бироқ бу сўзларни амалда тасдиқлаш лозим бўлиб қолди дегунча, Хитой дипломатияси бир зумда ўзгариб, Яқин Шарқ проблемасини ҳал этиш учун ғўё СССР томонидан қилинаётган қандайдир «тахдид»ни бартараф этиш зарур, деган гапларни айта бошлайди.

Хитой ўзининг стратегик режаларида, деб таъкидлайди ҳафталик газета, Исроилга ҳам, шунингдек АҚШдаги исроилпараст нуфузли доираларга ҳам умид боғлаётганлиги, Исроилпараст доиралар Пекин билан Тель-Авивнинг ҳуфёна тилёғламалигини эътибор билан кузатиб бормоқда. Хуллас, Пекиннинг амалий ишлари Яқин Шарқ танглигини шундай «ҳал» этишга олиб келмоқдаки, бу нарса АҚШнинг режаларига батамом мос бўлиб тушмоқда.

Хитой Яқин Шарқда ўтказаётган сиёсатнинг моҳияти, деб таъкидлайди «Трибуна» хафли вазиятни адолатли ва тинч йўл билан биртараф этишга зиддир. Бу сиёсат Исроил қўшинларининг босиб олинган барча Араб территорияларидан чиқариб юборилишга ҳам, мазкур регионда хавфсизлик ва чинакам тинчликни таъминлашга ҳам олиб келмайди.

ЭРОН-ИРОҚ ФРОНТИДА

ТЕҲРОН (ТАСС). Ирна агентлиги Эрон қуролли кучлари бирлашган штаби билан «Ислом» инқилоби посбонлари» корпуси марказий штабининг қўшма ахборотини эшиттирди. Ахборотда айтилишича, Эрон қўшинлари 21 июль кечқурун Эрон-Ироқ фронтида кенг ҳужум операциясини бошлаганлар, Эроннликлар душман мудофаасини ёриб ўтиб, Басра шаҳри йўналишида канални кечиб ўтиб, Ироқ қўшинларининг мудофаасига чуқур кириб борганлар. Ахборотда Эрон қўшинлари душманнинг аскарлари ва техникасига катта талафотлар етказганлиги уқтирилади.

БАҒДОД, (ТАСС). Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг ИНА агентлиги тарқатган ахборотида қайд этилишича, Ироқ қўшинлари душманнинг Басрадан шарқдаги ҳужумини даф этиб, Эроннинг талайгина миқдордаги жанговар техникасини йўқ қилганлар ва ҳарбий хизматчиларини қириб ташлаганлар. Ироқ қўшинлари Эрон қисмларини таъқиб қилишни давом эттирмоқдалар.

Исроилда оддий меҳнаткашларнинг Ливандаги босқинчилик урушига қарши норозилик намойишлари ва чиқишлари тобора кенгайиб бормоқда. Яқинда Тель-Авив марказида 100 минг киши иштирокида меҳнаткашларнинг катта намойиши бўлиб ўтди. Намойишчилар «Фаластин халқи билан бирдаммиз!», «Урушни тўхтатинг!», «Бегин ҳукумати —истеъфога чиқсин!» деб ёзилган шиорлар ва транспорантлар кўтариб олган эдилар.

Суратда: намойишчиларни кўриб турибсиз.

АТ—ТАСС фотоси.



Республикамиз пойтахти — Тошкент яқинидаги «Ботаника» санаторийси қўркам, хушманзара ва сўлим, соғлиқни ерга жойлашган. Бу ерда ҳар йили Ўзбекистон ССРнинг турли областларидан келган қанчадан-қанча қишлоқ хўжалик ходимлари ҳам ўз саломатликларини мустаҳкамлаб, мириқиб ҳордиқ чиқаришади.

В. СИРОТКИН фотоси.

МАҲСУЛОТ ДАЛАГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛМОҚДА

Хазорасп райони марказининг архитектура ансамблига умумий овқатланиш янги комбинатининг биноларн комплекси қўшилиб кетди. Бу комплексни маҳалли кооператорлар қурган. 150 ўринли кенг зал, нон ёпадиган, салқин мева ичимликлари, шарқ ширинликлари ва ярим фабрикатлар тайёрлайдиган цехлар хўрандаларга хизмат кўрсатмоқда.

Бу ердан ҳар куни область хўжаликларига комбинат маҳсулотлари ортилган автомашиналар жўнатилмоқда. Бу автомашиналар шу маҳсулотларни дала шийпонларига етказиб бермоқда. Хизмат кўрсатишнинг бундай усули қишлоқ меҳнатчиларнинг вақтини тежаш имконини беради. Комбинат ходимлари ҳосил йиғим-терими даврида механизаторларга хизмат кўрсатиш учун хўжаликлар билан шартнома тузадилар.

Қишлоқда умумий овқатланиш комбинатлари республиканинг бошқа районларида ҳам қурилмоқда.

(ЎзТАГ).

СПОРТ

БУТУНИТТИФОҚ ЁШЛАР СПОРТ ЎЙИНЛАРИДА

Айни кунларда мамлакатимизнинг турли шаҳарларида III Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинларининг финал мусобақалари қизғин давом этмоқда. Бир неча турлар бўйича якунланган баҳсларда эса кўплаб яхши натижалар қўлга киритилди. Ҳозирча умумкоманда ҳисобида Россия спортчилари олдинда бораётмоқда. Украиналиклар иккинчи, москваликлар учинчи ўринни эгаллаб турибди.

Пахтакор ўлкамиз ёшлари ҳам финал беллашувларида муваффақиятли иштирок этишга ҳаракат қилишмоқда. Ўзбекистонлик хоккейчи қизларнинг чемпион бўлганликлари ҳақида хабар берган эдик. Шундай сўнг бадиий гимнастикачилар ўртасидаги мусобақада иқтидорли спортчимиз Венера Зарипова ўзини кўрсатди. Шунисе қувонарлики, Венера йилдан-йилга ўз маҳоратини ошириб бораяпти. У ўтган йили мактаб ўқувчилари Бутуниттифоқ спартакиадасида голиб чиқиб, чемпионлик унвонини қўлга киритган эди. Мамлакат чемпионатида эса ҳурмат шаҳсупасининг иккинчи поғонасини банд этиб, кумуш медаль соҳиби бўлди.

ВЛКСМ XIX съезднинг делегати Венера Зарипова Москвада ўтказилган бадиий гимнастикачиларнинг финал мусобақасида нафис, ҳаракатлари билан мутахассис ва томошабинлар эътиборини қозонди. Пировардида Венера алоҳида машқлар ва кўпкураш бўйича чемпионлик унвонига сазавор бўлди.

Белоруссия пойтахти Минскда эса самбочилар ўртасидаги беллашувлар ниҳоясига етди. Бу ерда Украина, Белоруссия, Арманистон, Грузия курашчилари қатори республикамиз вакилларининг гилам беллашувлари ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Жумладан, 52 килограммгача бўлган вазнда иштирок этган Б. Файзиев келажаги порлоқ спортчилардан бири эканлигини амалда исботлади. Бобомурод барча учрашувларни ўзига хос усулда — шиддаткорона ҳужумлар билан ўтказиб, рақибларини доғда қолдирди. У ҳал қилувчи финалда ҳам галаба қозониб, Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинларининг чемпиони бўлди.

62 килограммгача вазндаги самбочилар беллашувида иккинчи бир вакилимиз — Б. Расулов муваффақиятли қатнашди. Натижада у голиблик шоҳсупасининг иккинчи поғонасини банд этди.

Запорожьеда қўл тўпи бўйича 1—8 ўринлар учун учрашувлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон терма командаси ёшлари ва қизлари ҳал қилувчи ўйинларда кўнгилдагидек қатнаша олмаяптилар. Чунончи, Ўзбекистон терма командаси ёшлари литвалик тенгқурлари билан бўлган навбатдаги учрашувда 21:26 ҳисобида енгилишди. Қизларимиз эса РСФСР терма командасига ютқазишди — 22:41.

Ленинградда енгил атлетикачилар мусобақаси поёнига етди. Сўнгги кунги баҳсларда республикамиз спортчиларидан Л. Кириюхина, И. Тордеев, Д. Мингазов кабилар яхши натижага эришишди. Ўзбекистонлик енгил атлетикачилар умумкоманда ҳисобида саккизинчи ўринни қўлга киритдилар.

III Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинлари давом этмоқда.

ҲАР ТЎҒРИДА

ЎТМИШНИНГ МУДҲИШ ҚОЛДИҒИ

Кўп кишиларнинг умрига завол бўлаётган қонли қасос олиш одати Миср ҳозир ҳам сақланиб қолган. Ғаш шундаки, ўрта асрнинг мудҳиш одатларидан бўлган қонли қасос олиш қурбонлари ҳақида газеталар саҳифаларида тез-тез хабарлар пайдо бўлмоқда. Ўтмишнинг мудҳиш қолдиғи мамлакатнинг Нил дарёси дельтаси районларига нисбатан мадания ва маориф анча орқада бўлган жанубий вилоятларда кўп сақланиб қолган. Маҳаллий ва марказий маъмурларнинг бу одатга чек қўйиш мақсадида амалга ошираётган тадбирлари натижасиз қолмоқда. Қонли қасос олишнинг кенг кўламда ёйилишига кишиларда турли ўт очиш қуролларининг сақланиб қолганлиги ҳам сабаб бўляпти. Миср матбуотининг баҳо беришича, бундай «қасоскорлар» қўлида Исроил билан бўлган урушга нисбатан кўп мисрликлар нобуд бўлишган. (ТАСС).

Редактор И. СУЛАЙМОНОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ДУШАНБА

26 ИЮЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Д. Кабалевский. С. Маршак таржимасида Шекспирнинг 10 та сонети.
10.05 «Ҳайвонот оламида».
11.05 Болалар учун фильм. «Витя, Маша ва денгиз пиёдаси ҳақида».
12.10 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Кубанинг миллий байрами — Миллий қўзғолон кунига. Кинопрограмма.
15.40 В. В. Маяковский. «Жуда соз». Поэма.
16.40 «Сен қонунни биласанми!».
17.25 Операладан ариялари Молдавия ССР халқ артисти В. Савицкая ижро этади. Кишинёвдан олиб кўрсатилади.
18.00 «Сиз яратган боғ».
18.30 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали.
19.15 «Махсус топшириқли поезд». Ҳужжатли фильм.
19.30 «Партия планлари — халқ планлари». Комсомол қурилиш отрядларининг Ленинград областидаги ноқоратупроқ ерларни ўзлаштириш тажрибасидан.
20.00 Бутунроссия конкурсининг лауреати А. Фраучи чалади (гитара).
20.20 «Аравакаш Геншель». ССР Иттифоқи Москва Бадиий театрининг фильм-спектакли. Автор — Г. Гауптман.
21.30 «Время».
22.05 «Аравакаш Геншель» фильм-спектаклининг давоми.
23.20 Балет ёш артистларининг концерти.
23.55 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Мальдивлар». Ҳужжатли фильм.
19.00 «Бригадада аҳил оилмиз».
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
22.05 «Мен — Куба». Бадиий фильм. «Мосфильм» ва «Икаик» (Куба маҳсулоти. 1-серия.

● ЎзТВ I

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун фильмлар. «Славканинг дарёси», «Салом, Ральф».
18.40 «Усмир ва қонун».
19.10 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қуролдош дўстлар» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ўзбекистон рассомлари кинематографчилар ҳузурида меҳмонда». Янги қуриб битказилган киночилар уйидан репортаж (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси мақомчилар ансамбли солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап!». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Йўқолган гувоҳ». Бадиий фильм.
23.45 Янгиликлар.

СЕШАНБА

27 ИЮЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Г. Гауптман. «Аравакаш Геншель». М. Горький номли ССР Иттифоқи Москва Бадиий академик театрининг фильм-спектакли.
12.00 С. Рахманинов. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 4-концерт.
12.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Ҳужжатли фильмлар программаси.
16.10 Болалар учун фильм. «Сехргар-орол».
17.15 Адигей Автоном области ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Адигейлар тупроғида». Ҳужжатли фильм.
17.45 Адигей «Нальмас» Давлат рақс ансамблининг концерти.
18.30 «Жасорат».
19.00 «Расмларда қўёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Муаммолар — изланишлар — ечимлар». «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши». Кўрсатувни снёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский олиб боради. Кўрсатув тугагач — Концерт.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Киев). В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — (22.45) «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Бригадада ишлаб қўйлаймиз». Музикали программа.
20.00 «Спорт ҳафталиги».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Халқ оҳанглари.
21.00 «Алло, Москва эшитади!» Москва шаҳар телефон тармоқлари ҳақида.
21.30 «Время».
22.00 «Мен — Куба». Бадиий фильм. 2-серия.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Дарслар тайёрланмайдиган мамлакатда». Мультфильм.
11.50 «Йўқолган гувоҳ». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Алёнушка ва солдат». Қўғирчоқ фильм.
18.25 Мактаб ўқувчилари учун. «Ўқувчилар бригадаларида».
18.55 «Ахборот» (рус.).
19.10 «Осмондаги юз йўл». Ҳужжатли фильм премьераси. («Ўзбектелефильм»).
19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Динамо» (Минск). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот».
21.15 «Оламга бир боқ». Фильм-манзаралар.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Ғўза парваришига — аъло сифат».
22.25 «Романтика» телевизион театри. У. Ҳошимов. «Инсон садоқати». 1-қисм.
23.40 Янгиликлар.

ЧОРШАНБА

28 ИЮЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.30 Мультфильмлар программаси.
10.10 «Уфқ». Ленинграддан олиб кўрсатилади.
11.10 «Киносаёҳатчилар клуби».
12.10 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Дўстлар экрани». Социалистик мамлакатлар телевидениелари ҳужжатли фильмлари программаси:
«Менинг Ватаним — Пльзень» (ЧССР).
«Ҳаёт қўриқхоналари» [БХР],
«Тиниқ кундек мусаффо» [РСР].
16.00 Совет қўшиқларидан концерт.
16.25 «Рус тили».
16.55 «Урмондаги агроцехлар». Ҳужжатли фильм премьераси.
17.45 «Сказ» рус халқ чолғу квартети чалади.
18.00 «Горнчилар, қаердасиз!»
18.45 «Фан оламида».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Биз БАМни қуряпмиз».
20.00 «Олам кинокамера кўзгусида». «Фирманинг ишлари билан». Америка разведкасининг фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи фильм. Г. Боровик таништиради. 1-қисм.
21.30 «Время».
22.05 «Катталар учун контроль иш». 2-кўрсатув.
22.40 «Дунё воқеалари».
22.55 «Варадеро». Кубада фольклор куйлари ҳалқаро фестивали.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Сенинг аъзолик бадалинг». Ҳужжатли фильм.
19.00 Белоруссия Давлат консерваторияси қимматбаҳо ансамбли ижро этади. Минскдан олиб кўрсатилади.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари». «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Спорт программаси. Енгил атлетика бўйича СССР чемпионати. Киевдан олиб кўрсатилади.
21.15 Велоспорт бўйича чемпионат. «Крилатское» спорт комплексидан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Полиннн билан содир бўлган воқеа». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Қўғирчоқбоз». Болалар учун фильм.
12.00 «Мўъжизалар куни». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
12.25 «Қувноқ пионер ёзи».

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Тўс-тўполон». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Эврика». Кинокўрсатув.
19.00 «Яшлек» татар-бошқирд ҳалқ ансамбли ижро этади.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Шеърият билан учрашув». Қорақалпоғистон шоирлари.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Х. Қодирова концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап!». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Романтика» телевизион театри. У. Ҳошимов. «Инсон садоқати. 2-қисм.
23.35 Янгиликлар.

ПАЙШАНБА

29 ИЮЛЬ.

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Қувноқ стартлар».
10.25 «Олам кинокамера кўзгусида». «Фирма ишлари билан». 1-қисм.
11.55 Ишлаб чиқариш гимнастикаси.
15.00 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси.
16.20 Болалар учун фильм. «Қувноқ воқеалар».
17.45 Шахмат мактаби.
18.15 «Ёшлар адресларн».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Инсон ва қонун».
20.00 СССР Йўллар министрлиги намунали духовой оркестрининг концерти.
20.20 «Олам кинокамера кўзгусида». «Фирманинг ишлари билан». 2-қисм.
21.30 «Время».
22.05 «Сиз бунга қодирсиз».
23.05 СССР халқ артисти М. Войтес ва РСФСР халқ артисти Д. Дашиев РСФСР халқ артисти Н. Некрасов раҳбарлигидаги рус халқ чолғулари академик оркестри жўрлигида қўшиқлар ижро этишади.
23.55 «Дунё воқеалари».

● МТ II

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 Ҳужжатли фильм премьераси.
19.00 «Қўшиқларимиз сенга, мамлакат». Фильм-концерт.
19.30 «Уфқ». Ленинграддан олиб кўрсатилади.
20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Рус халқ қўшиқларидан концерт.
21.00 Енгил атлетика бўйича СССР чемпионати. Киевдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Пароходлар эса наъра тортиб жўнаб кетади». Телевизион бадиий фильм.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Ғалати дўст». Мультфильм.
11.40 «Фарзандим — жигарбандим». Й. Охунбобоев номли Ёш томошабинлар театрининг спектакли.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Эҳ, дам олдим, «Мовий филча», «Қўёш қўённ». Мультфильмлар.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг».
19.00 «Ҳаёт каби тирик».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Баландлик». Телефильм.
20.15 «Нон-неъмат бунёдкори».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ф. Баратова ва И. Малаков концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Уларни фақат афтидан танир эдилар». Бадиий фильм.
00.05 Янгиликлар.

ЖУМА

30 ИЮЛЬ.

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, вице-адмирал Г. И. Шчедрин билан учрашуви.
10.25 «Олам кинокамера кўзгусида». «Фирма ишлари билан». 2-қисм.
11.35 Д. Шостакович квинтети.
12.10 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Темирйўлчилар кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси:
«Кунермагача борадиган тезюрар».
«Тунги смена».
«Темирйўл».
16.20 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув программаси. Кўрсатувни Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. Д. Зудов олиб боради.
17.05 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус қўшиқлари академик хорининг концерти.
17.55 «Москва ва москваликлар».
18.25 «Буратино кўргазмага ошиқмоқда».
18.45 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.35 «Халқ ижодиёти». Телевизион кўрсатув.
20.10 «Олам кинокамера кўзгусида». «Фирма ишлари билан». 3-қисм.
21.30 «Время».
22.05 К. Орбелян раҳбарлигидаги Арманистон Давлат эстрада оркестрининг концерти.
23.30 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Илмий-оммабоп фильмлар программаси.
9.40 Инглиз тили.
10.10 «Пароходлар наъра тортиб жўнаб кетади». Телевизион бадиий фильм.
11.15 Шахмат мактаби.
11.45 Мультфильмлар программаси.
12.15 «Дубравка». Болалар учун фильм.
13.35 Икки марта Қизил Байроқли А. Александров номли Совет Армияси Академик ашула ва рақс ансамбли ижросида композитор А. Новиков қўшиқлари.
14.35 «Соцалистик халқ ҳўжалиги».
15.20 СССР халқ артисти Э. Канява куйлайди. Вильнюсдан олиб кўрсатилади.
15.50 М. Горький номли Москва Бадиий Академик театрида ёшлар кечаси. Ёш ишчилар, колхозчилар, студентларнинг СССР Москва Бадиий Академик театри ҳузуридаги В. Немирович-Данченко номли мактаб-студияси битирувчилари билан учрашуви.
16.50 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 В. П. Чкалов экипажининг Шимолий Қутб орқали Америкага парвози ҳақида ҳужжатли фильм.
19.55 «Музей ва кўргазма золлари бўйлаб». Феодосия расмлар галереяси. И. К. Айвазовский.
20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Дон казаклари Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Оппоқ уфқ». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Хўрозча ва кунгабоқар». Қўғирчоқ фильм.
12.00 «Уларни фақат афтидан танир эдилар». Бадиий фильм.
13.30 «Самандас». Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун кўрсатув. (қозоқ тилида).

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Йўлбарслар». Мультфильм.
18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
19.00 «Ташаббускорлар ўз сўзларининг устидан чиқмоқдалар». «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари В. Бочков ҳақида репортаж (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Халқ контроли экрани».
20.15 «Ишчи эстафетаси». Ҳужжатли фильм премьераси. («Ўзбектелефильм»).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Мен рақсга тушмоқчиман». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дўстлар маслаҳати». Пахтакор республикалар ўзаро текшириш бригадаларининг иши ҳақида.
22.35 «Зулматни тарк этиб». Бадиий фильм. («Ўзбектелефильм»).
24.00 Янгиликлар.

ШАНБА

31 ИЮЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Дўстлик боғи».
10.00 «Бир бор экан, бурун бўлган экан». Мультфильм.
10.10 «Ота-оналар, Сизлар учун».
10.40 «Олам кинокамера кўзгусида». «Фирма ишлари билан». 3-қисм.
12.00 «Карпат узра қўшиқ парвоз этади». Львовдан олиб кўрсатилади.
12.30 «Советлар ва ҳаёт».
13.00 «Спортлото»нинг 31-тиражи.
13.10 «Сизни қизиқтирган адабиётлар».
13.55 «Совет дипломи». Ҳужжатли фильм премьераси.
14.45 «Инсон. Ер. Коинот». Кўрсатувни икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. И. Севастьянов олиб боради.
15.30 «Дунё воқеалари».
15.45 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
16.45 Болалар учун фильм. «Фақат сен йиғлама».
17.50 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати.
18.20 Мультфильмлар.
19.00 «9-студия». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. Зорин олиб боради.
20.00 «Кинопанорама».
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «МАСК» — «Динамо» (Тбилиси). 2-тайм. «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.
22.45 Композитор А. Н. Пахмутованинг ижодий кечаси. Воронеждан олиб кўрсатилади.
24.00 Янгиликлар.

● МТ II

ЛЕНИНГРАД ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

12.25 «Ленинград уфқлари». Телевизион очерк.
12.50 «Монитор». Телевизион кўрсатув.
13.35 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Ю. Марусин куйлайди.
13.55 «Меншиков саройи».

* * *

14.20 «Киносаёҳатчилар клуби».
15.15 «Мусиқий бойликлар». ҒДРдан олиб кўрсатилади.
15.45 Халқаро обзор.
16.00 Халқ чолғулари садолари.
16.45 «Жасорат маршрутлари бўйлаб». Ҳужжатли фильм.
17.00 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 8-ҳаво армияси ветераналарининг учрашуви.
18.15 «Музикали киоск».
18.45 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». 1948 йил.
19.45 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ольга Берггольц поэзияси».
21.30 «Время».
22.00 «Кескин бурилиш». Телевизион бадиий фильм.

● ЎзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 Телевизион миниатюралар театри.
10.50 «Футболдан отиз очманг». Бадиий фильм.
11.55 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Кинопубликист. экрани». Кўрсатув Литва ССРга бағишланади.
12.40 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси этнографик ансамблининг концерти.
13.20 «Ўзбекистон спорти».

* * *

16.55 Кўрсатувлар программаси.
17.00 «Дўстлик экрани». Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг бирғаликдаги программаси.
18.00 «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб». Узбекистон областлари ва ҚҚАССР болалар бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. «Экранда — Сирдарё ёшлиги».
19.00 Ал-Хоразмий туғилган кунининг 1200 йиллигига. «Ал-Хоразмийнинг географик тадқиқотлари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Оддий мўъжизалар». Цирк томошалари.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Камолиддин Раҳимов концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 Амалдаги интернационализм. «Ўзбекистон — Ноқоратупроққа». (рус.).
22.30 Телевидение экранида биринчи марта. «Иккинчи баҳор». Бадиий фильм.
23.55 Кўрсатувлар программаси.

ЯКШАНБА

1 АВГУСТ

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Энди бошқа қилмайман». Телевизион ҳужжатли фильм.
10.10 «Будильник».
10.40 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
11.40 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси.
12.25 «Тонгги почта» музикали программаси.
12.55 «Қишлоқ янгиликлари», «Озиқ-овқат программаси—умумхалқ иши».
13.55 «Музикали киоск».
14.25 С. Михалков. «Тарсаки». Москва сатира театрининг фильм-спектакли.
16.20 «Киносаёҳатчилар клуби».
17.20 «Бугун — Бутуниттифоқ темирйўлчилар куни». Кўрсатувда СССР Йўллар министри И. Г. Павловский иштирок этади.
17.40 Темирйўлчилар кунига бағишланган концерт.
18.30 «Халқаро панорама».
19.15 Мультфильмлар.
19.55 «Ёмғирда чизилган портрет». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Молдавия ССР Давлат «Жок» рақс ансамблининг концерти.
22.50 Илмий-оммабоп фильмлар программаси.
23.20 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Мешчерин раҳбарлигидаги электрчолғу ансамблининг концерти.
23.45 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!».
9.20 «Кескин бурилиш». Телевизион бадиий фильм.
10.35 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали.
11.25 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси:
«Аваче вулқони тутаган жойда»,
«Мелеузов йилқичилари».
12.05 «Ҳайвонот оламида».
13.05 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
13.50 «Монголия бўёқлари». Кинопрограмма.
14.40 ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театри духовой оркестрининг концерти.
15.35 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
16.05 «Ёш келин-куёвлар телевизион клуби».
17.20 «Талант». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. «Бережков ғилдирак ихтиро қилди».
18.30 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». 1949 йил.
19.30 Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Кубань Давлат казаклар хорининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Катта масофада». Телевизион бадиий фильм.

● ЎзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 Темирйўлчилар кунига. «Уз севгилингни топ». Телевизион бадиий фильм» («Ўзбектелефильм») (рус.).
11.20 Мультипанорама.
12.10 «Қувноқ стартлар».
13.10 «Музикали манзаралар». Фильм--концерт.
13.35 Болалар учун. «Фонарик» (рус.).
14.05 Реклама.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Мен, сен ва мультик».
18.40 Болалар учун концерт.
19.10 Бугун — Темирйўлчилар куни.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Телевизион миниатюралар театри.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эстрада концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Инсон ва замон». Кўрсатув тугагач — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт.

«ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Р. 06433

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретарь — 33-09-03, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32- 78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босма хонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543.

А. 1075. Б